

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 004.4:130.2

“АКТ соҳасида КТ” факультети
“Ахборот кутубхона тизимлари ” кафедраси

ЮСУПОВА КАМОЛА НУРИДДИНОВНА

**МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА АХБОРОТ
МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

5A350601 “ Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик ”

Магистр

Академик даражасини олиш учун ёзилган

Диссертация

ТОШКЕНТ 2016

МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I-БОБ АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

1. Ахборот маданияти тушунчаси
2. Ўқиш маданиятининг таҳлили жаҳон кутубхоналари тажрибаси
3. Ахборот олиш маданиятининг замонавий жихатлари

Биринчи боб бўйича хулоса

II-БОБ АХБОРОТ ОЛИШ МАДАНИЯТИ МЕТОДЛАРИНИ ЯРАТИШ УСУЛЛАРИ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

1. Ахборот ресурслари классификацияси
2. Ахборот маданиятини шакллантиришда бошланғич синф ўқувчилари учун мультимедиали қўлланма яратиш алгоритми
3. Кичик ёшдаги мактаб болаларида мультимедиали ахборот маданиятини шакллантириш алгоритми

Иккинчи бобга хулоса

III-БОБ КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАР ЎРТАСИДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ЁРДАМ БЕРУВЧИ МУЛЬТИМЕДИАЛИ ЭЛЕКТОРОН КУТУБХОНА ЯРАТИШ

1. Мультимедиали манбалардан ташкил топган болалар порталининг тузилмаси
2. Ахборот олиш маданиятини шакллантирувчи адабиётларнинг мультимедиали электрон кутубхонасини яратиш

Учинчи бобга хулоса
Хулоса
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
Илова

Кириш

Мавзунинг асосланганлиги ва унинг долзарблиги: Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб ёшлар ўртасида электрон шаклдаги манбаларга эҳтиёжнинг кўплиги ва электрон ахборотларнинг тез суръатда ортиб бориши, кенг кўламдаги ахборотлар оқими орасидан фойдали бўлган зарур ахборотни олиш имкониятини камайтирмоқда. Глобаллашув даврида “оммавий маданият” тушунчасининг кенг тарқалиши жамиятимизда ахборот маданиятини шакллантириш заруриятини устувор масала даражасига олиб чиқди. Мультимедиа технологияларининг ҳаётимизга шиддат билан кириб келиши, мазкур технологияларнинг, айниқса, кичик ёшдаги болаларда ахборот маданиятини шакллантиришдаги аҳамиятини ортиши “Мультимедиа технологиялари асосида ахборот маданиятини шакллантириш” методикасини яратиш эҳтиёжини келтирди. Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ахборотларни етказиш такомиллаштирилди, ўсиб келаётган ёшларнинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолиш ва шунингдек аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур бўлган шарт шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни [5], 2011 йил 23 февралдаги “2011-2015 йилларда ахборот коммуникация технологиялари асосида ахборот кутубхона ва ахборот ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида”ги қарорлари соҳа ривожидagi янги босқични бошлади.[4]

Айниқса 2014 йилни “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши ва Президентимизнинг қарори асосида давлат дастурининг тузилиши, болалар орасида замонавий технология воситалари ёрдамида ахборот маданиятини шакллантириш лозимлиги уқтирилган. Мультимедиа технологиялари кичик ёшдаги болаларда ахборот маданиятини шакллантирувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади. Аммо болалар ёшини инобатга олган ҳолда

уларни ахборот билан таъминлаш учун мақбул мультимедиа дастурларини, маҳсулотларини танлаш, етказиш методик тавсияномасини тузиш ва мультимедиа ресурсларни ўзида жамлаган электрон кутубхона яратиш бугунги куннинг долзарб мавзулари қаторига киради.

Тадқиқот объекти: Ахборот кутубхона ва бошланғич таълим муассасаларида мультимедиа технологиялари асосида ахборот маданиятини шакллантириш жараёни.

Тадқиқот предмети: Ахборот кутубхона ва бошланғич таълим муассасаларида мультимедиа технологиялари асосида ахборот маданиятини шакллантириш шакл, усул ва воситалари мажмуи.

Ишнинг мақсади: Мультимедиа технологиялари асосида ахборот маданиятини шакллантириш усуллари илмий назарий асослаб бериш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича илмий методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ишнинг вазифалари: Мультимедиа технологиялари асосида ахборот маданиятини шакллантиришда қуйидаги вазифалар белгиланди.

1. Ахборот маданиятини шакллантириш усуллари тахлилини амалга ошириш.
Бунда:

- Ахборот маданияти тушунчаси ва ўқиш маданияти тушунчасини изохлаш ва жахон кутубхоналари тажрибасини таҳлил этиш;
- Ахборот маданиятини шакллантиришнинг замонавий усул ва воситалари тахлилини амалга ошириш

2. Ахборот маданиятини шакллантириш усуллари бўйича тавсиялар.

- Бошланғич синф ўқувчилари ўртасида мультимедиа ахборот маданиятини шакллантириш методикасини яратиш

3 Кичик ёшдаги болалар ўртасида ахборот маданиятини шакллантиришга ёрдам берувчи манбалардан ташкил топган мультимедиали портал тузилмасини яратиш.

- Мультимедиали манбалардан ташкил топган болалар порталининг тузилмаси.
- Порталга манбаларни киритиш, қидириш алгоритмлари.
- Мультимедиали ресурслардан ташкил топган электрон кутубхона

Тадқиқотнинг методологик асоси: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида” ги қонуни, 2011 йил 23 февралдаги “2011-2015 йилларда ахборот коммуникация технологиялари асосида ахборот кутубхона ва ахборот ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ 1729 сонли қарорлари соҳа ривожига янги босқични бошлади.

Илмий янгилиги: Мультимедиа технологиялари асосида ахборот маданиятини шакллантириш усуллари тадқиқ этилиб, “Ахборот маданиятини шакллантириш” бўйича методик тавсиянома яратилиши.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Агар кичик ёшдаги болалар билан ишловчи мактаблар ва кутубхоналар ўз иш фаолиятларида мультимедиа технологияларидан фойдаланиб, фаолиятларини ташкил этсалар ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш юқори даражага кўтарилади. Бу мақсадни амалга оширишда электрон кутубхонали болалар порталини яратиш асосий масалалардан бири саналади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили): мультимедиа технологиялари асосида ахборот маданиятини шакллантириш методикасини яратишда Кассел К.Э. XXI- асрда маълумот ва ахборот хизматлари [12] , Stanisavljevic Z. A classification of eLearning tools based on applied multimedia [18] , Bruce R, Gremer M. Руководство по аудиовизуальным и мультимедийным документам для библиотек и других организаций [17] ,

Ганиева Б. И. Кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари [19], Елинер И. Г. Развитие мультимедийной культуры в информационном обществе [5], Усмоналиева Р. Ўқитувчи медиокомпитентлиги шахсий ва касбий ривожланишининг муҳим омили сифатида [7] , Савченко Н. А. Использование мультимедиа технологий в общем среднем образовании [14] , Қаюмхўжаева Ё. Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш имкониятлари [11] каби муаллифларнинг илмий ишлари, китоблари ва мақолалари ўрганилиб таҳлил қилинган.

Тадқиқотда қўлланиладиган методиканинг тавсифи: “Мультимедиа технологиялари асосида ахборот маданиятини шакллантириш” методик қўлланмаси, методик қўлланма яратиш қонун қоидаларига асосланган, мультимедиа ресурслардан ташкил топган электрон кутубхона жаҳон стандартларига жавоб беради.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: Фойдаланувчиларга кичик ёшдаги болаларда ахборот маданиятини шакллантириш бўйича “Мультимедиа технологиялари асосида ахборот маданиятини шакллантириш” методик тавсияномаси қулайлик яратиб беради, ҳамда, болаларда ахборот маданияти шаклланишига ўз хиссасини қўшади. Мультимедиа электрон кутубхона Миллий кутубхонага тадбиқ қилинган. Унинг ахборот моделлари, алгоритмлари, функционал ва ташкилий структуралари ишлаб чиқилди.

Иш тузилмасининг тавсифи: Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Биринчи боб “ Ахборот маданиятини шакллантириш усуллари таҳлили” деб номланган бўлиб, асосан ахборот маданияти тушунчаси, ахборот маданиятини шакллантиришнинг анъанавий ва замонавий усуллари таҳлили ва улардан фойдаланиш технологиялари, шунингдек ўзбекистонда ва жаҳонда фойдаланилиш ҳолати келтирилилган.

Иккинчи боб “ Ахборот олиш маданияти методларини яратиш усуллари бўйича тавсиялар” деб номланган бўлиб, унда ахборот маданияти классификацияси, ёшлар ўртасида мультимедиа технологиялари асосида ахборот маданиятини шакллантириш босқичлари ва ўтказилган сўровнома асосида тавсия кўрсатикичи келтирилган.

Учинчи боб “ Кичик ёшдаги болалар ўртасида ахборот маданиятини шакллантиришга ёрдам берувчи мультимедиа электрон кутубхона яратиш” деб номланган бўлиб, унда болалар порталини яратиш алгоритмлари, ташкилий ва функционал тузилмалари, таъминотларига қўйилган талаблар ва уларнинг ечимлари келтирилган.

I-БОБ: АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ ТАХЛИЛИ

1. АХБОРОТ МАДАНИЯТИ ТУШУНЧАСИ

Ахборот маданияти - Мутолаа маданиятнинг муҳим белгиларидан бири. Мустақил шахс бўлиб шаклланишда муҳим аҳамият касб этади. Доимий мутолаа билан банд бўлган шахс фикр юрита олувчи ўз мустақил фикрига эга бўлган шахсдир. Бугунги кунда ахборотларни тўғри саралаш қийинроқ чунки ахборот оқими тезлик билан ривожланмоқда. Техника асрида технологик воситаларнинг ривожланиши бутун дунё бўйича ўқишга бўлган ихтиёжни камайтирди. «Ахборот олиш» атамаси илк бор XX асрнинг 70 йилларида пайдо булди; кутубхоначилар ушбу тушунчани ривожлантириш ва оммавийлаштириш бўйича ташаббус кўрсатдилар. Бу атама биринчи бор библиографлар К.М. Войханск ва Б.А. Смирноваларнинг «Кутубхоначилар ва китобхонлар ахборот маданияти хусусида» [«Кутубхона ва ахборот», 1974 й.] ва Э.Л. Шапиронинг «Ахборот сўровларининг ноаниқликларини камайтириш йуллари ҳақида» [“Илмий-техник кутубхоналар» журнали, 1975й.] номли мақолаларида фанга олиб кирилди. Ахборот маданияти қуйидагилардан ташкил топади.[5]

- Кутубхона-библиография саводхонлиги
- Ўқиш маданияти
- Компьютер саводхонлиги


кутубхона-библиография саводхонлиги—кутубхона ва ахборот ресурс марказининг маълумот-библиография фонди аппаратини осонлик билан йуналтира олиш кўникмасига эга бўлган малакали фойдаланувчини тайёрлаш учун зарур

мутолаа маданияти – нашр этилган ишларни тўлақонли тушуниш ва қабул этишда фойдалануви учун зарур бўлган билим ва кўникма.

компьютер саводхонлиги- компьютер бўйича кўникмаларга эга бўлиш материални тезкор ва самарали шакллантириш қобилиятини, маълумот қидируви ва маълумотни қайта ишлаш бўйича салоҳиятни ривожлантиради ва талаб этади. [5]



Ахборот маданияти бу —ахборот билан мақсадни кўзлаган ҳолда ишлаш кўникмасига эга бўлиш, шунингдек, ахборотни фойдаланиш учун ола билиш, компьютер ахборот технологиясини, янги техник восита ва услубларини таҳлил қилиш ва узатиш. Қуйидагилар ахборот олиш маданиятининг асосий белгилари.



Ахборот олиш маданияти инсоннинг турли ижодий қобилиятлари махсули бўлиб бу қуйидаги аспектларда намоён бўлади.

- Техник воситалардан фойдаланишда маълум бир кўникмаларда (Телефондан тортиб шахсий компьютер ва компьютер тармоқларигача);
- Асосини турли дастурий маҳсулотлар ташкил этувчи компьютер ахборот технологияси фаолиятидан фойдалана билиш маҳоратида.
- Турли ахборот билан ишлай билиш фаолиятида.
- Ўз иш фаолияти соҳасида ахборот оқими хусусиятлари борасида тасаввурга эга бўлишда.

Ахборот маданияти тушунчасини кенг ва тор маъноларда кўриш мумкин. **Ахборот маданияти тушунчаси кенг маънода-** бу тамойиллар ва ҳақиқий механизмлар жамламаси бўлиб, улар инсониятнинг умумий тажрибаси бирлашувида этник ва миллий маданиятларга ижобий таъсир кўрсатади.

Ахборот маданияти тушунчаси тор маънода- бу назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишда қизиқиш билдирган фойдаланувчи учун фойданиш учун етказиб бериладиган маълумотлар ва ахборотларнинг самарали йўлидир; Таълим олиш тизимидаги ривожланиш ва ҳар бир кишини самарали тарзда ахборот ва ахборот воситаларидан фойдалана билишга тайёрлаш.[5]

Ахборот олиш маданиятига эга бўлиш - бу ҳар бир инсон ўзлигини англашида ўз ўрни ва вазифасини билишда катта аҳамиятга эга бўлган фазилатларини кенг кўламда очиб беришдаги жараён. Таълим ахборот олиш маданиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, таълим олиш тизимидаги ривожланиш ва ҳар бир кишини самарали тарзда ахборот ва ахборот воситаларидан фойдалана билиши жамият юксалишига сабаб бўлади. Бугунги кунда ёшлар орасида ахборотлар билан ишлашнинг қуйидаги кўникмаларини шакллантириш лозим.

1. Ахборотни фарқлай билиш.
2. Аҳамиятга эга бўлган ахборотни ажрата билиш.

3. Ахборотни баҳолаш таомйилларини ишлаб чиқиш.

4. Ахборотни яратиш ва ундан фойдалана билиш.[6]

Шуни айтиш жоизки ахборот узатиш мадания тининг аниқ бир таснифи йўқ. Қуйида ахборот олиш маданиятини тахлил қилган бир нечта олимларнинг фикрларини келтирамиз.

Хар бир шахснинг ахборот олиш ва узатиш қобилияти.(Зубов Ю.С.)
“Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборотни ўзлаштириш жараёнидаги хар бир шахснинг ички дунёси уйғунлашуви.” (Зиновьева Н.Б.).
Ахборот олиш ва узатиш фаолияти (Хангельдиева И.Г)
“Маданий қадриятлардан келиб чиққан,аксиологик сифатга эга бўлган ахборот олиш ва узатиш фаолияти” (Гречихин А.А.).
“Хар бир кишига ахборот олиш ва узатиш жараёнида эркин тарзда танлай билиш,унинг шакилланишига ўз хиссасини қўша билиш ва ахборот алмашинувида кўмаклаша билиш. (Медведева Е.А.)
Муомаланинг янг шакли (Михайловский В.Н.)
Ахборот олиш ва узатиш маданияти тушунчаси жамият ривожланиши даражаси сифатида учрайди.(Соснина Т.Н.).

Ахборот олиш ва узатиш маданияти тизим сифатида ахборот олиш маданияти фаолияти ўзагидир.Ўз фаолияти соҳасидаги ахборот олиш ва узатиш хусусиятлари борасида хар бир фойдаланувчи қуйидаги билимга эга бўлиши лозим.

1. Турли ахборотлар билан ишлай билиш.
2. Ахборотни тахлил этишда кўникмага эга бўлиш.

3. Техник воситалардан фойданишдаги муайян кўникмаларда. (телефондан тортиб шахсий компьютер ва компьютер тармоқларигача);
4. Асосини турли дастурий махсулотлар ташкил этувчи компьютер ахборот технологияси фаолиятдан фойдалана билиш махоратида.
5. Турли манбалардан ахборотни ола билишда яни,вақтли матбуот нашрлардан,электрон коммуникациялардан,олинган ахборотни тушунарли тарзда намоён эта билиш ва улардан самарали фойдаланиш.[11]

Ушбу 5 жихат ахборот олиш маданиятини кўрсатувчи асосий белгилардандир.Хар бир шахс умр йўли давомида мустақил равишда,ёки, бирон бир шахс таъсири натижасида ушбу кўникмаларга эга бўлади.Мустақил фикрловчи шахсни тарбия қилиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун энг авввало ўсиб келаётган ёш авлодга эътибор қаратиш, уларнинг онгида ахборот олиш ва улар билан ишлаш маданиятини шакллантириш лозим. Зеро улар келажагимиз давомчилари, юрт истиқболини давом эттириб янада юксалтирувчилари.

2. Ўқиш МАДАНИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ ЖАХОН КУТУБХОНАЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Ўқиш маданияти инкирози барча саноати ривожланган мамлакатларда кузатилади. Масалан, АКШда бугунги кунда тахминан 40-50 млн. Германияда чамаси 3-4 млн киши саводсиз бўлиб, Франция вазирлиги томонидан берилган маълумотга кўра ишга лаёқатли кишиларнинг тахминан 20% қийинчилик билан ўқиш ва ёзишни уддалардилар.Саводсизлик ходисасининг юзага келиши бир катор салбий ижтимоий ва иқтисодий оқибатларга олиб келади. Шунинг учун 80 йиллирдан бошлаб қуйидаги муаммога яқиндан эътибор қаратилмоқда. Жахон амалиётида ўқиш маданияти инкирози муоммосини ечиш буйича кенг кўламда тажриба орттирилди. Кўпгина мамлакатларда ўқишни химоялаш ва уни

рағбатлантириш бўйича турли тадбирлар ўтказилиб келинмокда. АҚШда ушбу муаммо 1983 йилдан буён диққат марказида бўлиб, 1983 йилда катта ижтимоий гуруҳдаги ўқишни ёктирмайдиган ёки маълум бир ҳолатлардагина мутолаа қилувчилар сони қайта кузатилди. АҚШда мутолаа инирозини бартараф этиш АҚШ Конгресси кутубхонасининг бир қисми булган ва ҳукумат ваколатига эга булган **Китоб Маркази** кўмаги остида амалга оширилади. Китоб маркази қуйидаги ташкилотларни бирлаштиради ва улар билан биргаликда фаолият олиб боради.

- Конгресс Кутубхонаси
- 46 филиал марказлари
- 90 халқ таълим, кутубхона ва фуқаролик ташкилотлари
- 46 штат ва Колумбия округи
- 12 уқув ва илмий муассасалар

Китоб Маркази миллий ва халқаро даражада китоб, мутолаа қилиш ва кутубхонани тарғиб этиш бўйича умуммиллий мавзуларни илғари сурибчи тақдирларни тақдим этиб келмокда. Китоб Маркази ғоясининг ажралмас қисмидан бири – китоб, мутолаа ва кутубхоналар тарихи юзасидан олиб борилаётган илмий изланиш ишларини қўллаб қуватлашдир. Ушбу масалалар бўйича махсус тадқиқот дастури ишлаб чиқилган. Китоб Маркази китоб ва мутолаани тарғиб этишда Оммавий Ахборот Воситаси эътиборини қаратишда илк етакчи бўлди. СБС телекомпанияси билан ҳамкорликда «Бу ҳақда кўпроқ ўқи» лойихаси амалга оширилмокда, лойихага мувофиқ равишда каналнинг машхур 500 кўрсатувларида китоб мутолааси учун тавсия этиладиган рўйхатлар тақдим этилган. Бугунги кунда «Бу ҳақда кўпроқ ўқи» дастурига қўшимча лойиха доирасида ташкил этилган «Америка Хотираси» Миллий рақамли кутубхонаси тўпламларининг фан рубрикалари киритилмокда.

Германия давлатида кўп йиллар давомида адабиёт ва мутолаага бўлган тарғибот ишлари алоҳида бир ўринни эгаллаб келмокда. Китоб мутолааси инкирози муаммосини енгиш давлат даражаси микёсида, шунингдек бир қатор турли касб-хунар ва фуқаролик ташкилотлари кумаги остида олиб борилмокда. Бу масала юзасидан шахсий ташаббуслар, айниқса фондлар аҳамиятли ўрин касб этади. Германияда **Немис мутолаа фонди** мавжуд. Бу фонд Немис адабиёти жамияти негизида 1988 йил пайдо булган. Фонд мамлакат президенти раҳнамолиги остида бўлиб, фонднинг қўшма аъзолари Германиянинг федерал штатлари, иқтисодий уюшмалари ва жамият ташкилотлари ҳисобланадилар.

Мутолаа Фонди асосан кичик ёшдаги болалар ўртасида ахборот маданиятини шакллантириш мақсадида фаолият олиб боради. Мутолаа фондида «ғоялар устахонасини» маркази ташкил этилган бўлиб, марказ

- Мактаблар
- Болалар кутубхоналари
- Китоб сотиш ташкилотлари
- Боғча ва оилалар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Фонд томонидан ўсмир ва болаларнинг турли гуруҳлари учун мўлжалланган: “Мутолаа-оилавий фаолият”, “Қандай қилиб китобхонни харидорга айлантириш мумкин”, “Китобсевар қуни”, “Europa-erlesen”, “Антолин” лойиҳалари ишлаб чиқилган. Фонд томонидан амалга оширилган лойиҳаларнинг энг эътиборлиси антолин лойиҳасидир.

Antolin Лойиҳаси— мутолаа жараёнини янги мультимедиа воситалари, айниқса Интернет тармоғи қўмаги остида шакллантиришга бўлган шахсий қизиқиш туфайли пайдо бўлди. (лойиҳа Antolin нашриёти томонидан қўллаб қуватланади). Ушбу лойиҳанинг моҳияти — мутолаанинг интерфаол ҳамкорлигига йуналтирилган болалар китоб порталини яратишдир. Болалар

тавсия этилган китоблар руйхатидан мустақил равишда ўзлари ўқишни хоҳлаган китобларни танлайдилар,ўқиб бўлгандан сўнг болалар Antolin ёрдамида муайян китоб буйича берилган саволларга жавоб берадилар. Шу тарзда мутолаа ривожланиб , болаларда мутолаа этилган китобга чуқур ва танкидий ёндашиш шаклланади. Antolin ёрдамида ўқитувчилар ўз ўқувчиларининг ривожланиш йулларини кузата оладилар ва шу йусинда дарс давомида мутолаани қўллаб қувватлашни мақсад қилган негизни ярата оладилар. Германияда деярли ҳар тўртинчи мамлакат фукароси электрон китобларни мутолаа қилади.Электрон адабиётдан фойдаланувчилар сони жорий йилда 2013 йилдаги 21 фоиздан 24 фоизга кўтарилди.

Буюк Британияда 80 йиллар сўнги ва 90 йиллар бошларида мутолаа қилиш кўпчилик томонидан замонавий бўлмаган зерикарли бир машғулотдек қабул қилинарди. Китобнинг анъанавий тасвири яққаланиш ва эскилик саркити билан боғлиқ эди. Бугунги кунда давлат дастурлари ва жамоа ташаббусларини ишлаб чиқиши туфайли бундай ҳолат тубдан ўзгарди.90 йиллар бошларида кутубхоначилар гуруҳи «Opening the Book» (Китобни оча туриб) компаниясига асос солиб, ўз зиммаларига китоб мутолаасига қорлаш ташаббусини олдилар,шунингдек кутубхоначиларни китобхонлар билан ишлашнинг янги шаклларига ўргатиш ташаббусини мақсад қилдилар. «Opening the Book» адабий фестиваллар,конкурслар каби ҳудудий ташаббусларга бир оз миқдорда моддий ёрдам ажратди.1997й Давлат қўмитаси статистика буйича маълумот қоп этди,маълумотга кўра балоғат ёшидаги мамлакат аҳолисининг 23 % саводхонлик буйича жуда паст даражага эга эди.Саводхонлик буйича Миллий Стратегиянинг вазифаларидан бири Миллий Дастурда қўзда тутилган 2002 йилда 11 ёшгача ўқувчилар орасида саодхонлик даражасини 80% га кўтаришга эришиш эди. 1997 йил таълим вазири Дэвид Бланкетт китоб мутолаасининг қўллаб қувватлаш мақсадида Мутолаанинг Миллий Йили деб ном олган миллий ташвиқот

ишларини тадбик этиш ишлари бошланганлини эълон килди, қуйидаги вазифалар мақсад этиб қуйилди :

- Энг кичик ёшдагилар орасида мутолаа этишга ташвиқот ишларини олиб бориш;
- Болалар ва ўсмирлар орасида мутолаани оммавийлаштириш ва доимий мутолаани рағбатлантириш;
- Оилавий мутолаа анъанасини риожлантириш; ота-оналар ўртасида мутолаага ундаш ташвиқот ишларини олиб бориш;
- Мутолаанинг кизикарли, замонавий, роҳат ва завқ бағишловчи машғулот сифатида ўз ўрнига эга бўлишига негиз яратиш;
- Мутолаа этилган китоб буйича муҳофафа этишга ундаш.

Хозирги кунда Буюк Британияда аҳоли аборот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида қуйидаги йуналишлар буйича олиб борилмоқда:

- «Барча учун имкониятларни очган ҳолда» (маълумот олиш барча учун баробар бўлиши лозим; «Ёзги мутолаа»)
- «риск гуруҳлари» (беморлар, жиноятчилар)
- «Дадил бошланиш» (аҳолининг энг қуйи катлами учун мўлжалланган бўлиб, миллатнинг соғлигини яхшилаш ва унинг таълим олиш имкониятини оширишга йуналтирилган.)

Францияда мутолаа муаммосини ва ахборот маданиятини шакллантириш борасида миллий сиёсат олиб борилмоқда. Китоб ва мутолаа буйича Идора ташкил этилиб, у «китоб йули»ни – муаллиф томонидан яратилган давридан бошлаб то китобхонларга таклиф этилгунига қадар бўлган барча муаммоларни ҳал этиш сиёсатини аниқлаб беради. Тадбиқ этилган чоралар натижасида аҳолини кутубхона хизмати билан таъминлаш доирасида катта муваффақиятларга эришилди:

- янги кутубхона бинолари қурилди,
- оммавий кутубхона шароитлари яхшиланди,
- одатда кутубхонага ташриф буюрмайдиган яшовчилар мутолаа қилишлари учун қушимча ҳудудлар ташкил этилди.

Идора томонидан мутолаа маданиятини шакллантириш учун қуйидаги лойиҳалар ташкиллаштирилди: “шаҳар – мутолаа”, “Мутолладаги қурашни енгамиз”, “Тинглашни хоҳловчилар учун кўчаларда ўқиш”.

Тинглашни хоҳловчилар учун кўчаларда ўқиш. Бу ҳаракат ташаббусқори — Марк Рожекўп йиллардан буён аҳоли жойлашган манзилларда юриб болаларга китоб уқийди. Шуниси аҳамиятга молиқки, у китобни китоб ортига яширинган ҳолда, турли тасаввурларни уйғотган ҳолда уқийди. Поликлиникаларда шифокор ҳузурига навбат кутаётган болалар учун уқийди. Рангли суратли китобларни уқийди маъқул, болалар нафакат тинглай олишлари, балки китоблардаги суратларни қура олишлари имкониятини беришни қўзлаган ҳолда. Париж метроси вагонларига классик ва замонавий муаллифлар асарлари парчаларини намойиш этувчи плакатлар осилган. Ўқувчилар маълум бир вақтни метрода ўтказиш давомида адабиёт билан танишадилар.

ЎҚИШ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР

Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб ўқиш маданияти ошириш масаласига давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда. Ўқиш маданиятини тарғиб этувчи, қўллаб қувватловчи бир нечта халқаро ташкилотлар фаолият кўрсатаяпти. Қуйида уларнинг айримларига тўхталиб, фаолиятлари билан яқиндан танишамиз.

Халқаро Мутолаа Ассоциацияси (IRA - International Reading Association)

1954 йил ташкил топди. ХМА ўз олдига таълим олишда мутолаа қилиш сифатини ошириш ва бу орқали таълим ва тарбия жараёнини яхшилашни,

шунингдек, бутун хаёт давомида касбий, ижтимоий ва шахсий жабхаларда қўллана билишни шакллантиришни мақсад қилади. Бугунги кунда ХМА дунё буйлаб 350 000 зиёда аъзоларга эга бўлиб, 100 дан ортиқ мамлакатларда ваколатхоналари мавжуд. Бугунги кунга келиб унинг 1250 маҳаллий бўлимлари яратилган, шунингдек, 100 дан зиёд миллий Ассоциациялари мавжуд.

Мутолаа Рус Ассоциацияси (РАЧ-Российская ассоциация Чтении)

Мутолаа Рус Ассоциацияси, 2004 йилда бир қатор яқка аъзолар ва ташкилотларни, уюшмаларни бирлаштирган ҳолда ҳудудлар аро жамият ташкилоти сифатида қайд этилди. У аъзоликга асосланган кўнгилли ўз-ўзини бошқарувчи нотижорат шаклдаги ташкилотдир. Ассоциациянинг асосий мақсади мутолаа сифатини оширишда мутолаа этишни севувчилар ва мутахассисларни маданият, саводхонлик ва таълимни ривожига ҳисса қўшишлари йулида бирлаштиришдан иборатдир. Мутолаа Рус Ассоциацияси ҳам ХМА аъзоси ҳисобланиб, шунингдек унинг Европа бўлими ҳамдир (IDEC). У бошқа кўпгина бир қатор мутолаа билан боғлиқ бўлган ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, мутолаа қилиш, саводхонлик, китоб, матн ва ҳақозолар билан юзма-юз келган мутахассислар ва ташкилотлар туғрисида маълумотлар тўплайди. РМА ўзароалмашинув лойихаси аъзоси ҳамдир.

ИФЛА. Мутолаа бўлими

1995 йили ташкил этилган. Бугунги кунда бўлимда қуйидаги муаммолар билан иш олиб борувчи мутахассислар фаолият юритадилар: мутолаа этишни илгари суриш; мутолаа этишни қўллаб қувватлаш ва китоб иши сиёсати; мутолаа тарихини урганиш; болалар мутолasi ва болалар адабиёти; мутолаа ва Интернет ва бир қатор шу каби масалалар.

РБА. Мутолаа буйича давра суҳбати (Российская Библиотечная ассоциация)

29 ноябр 2001 й ташкил этилган. Мақсад ва вазифалари: дунё бўйлаб мутолаа муаммоларини муҳокама этиш, китоб ва адабий маданият тарқалишида кутубхоналар ўрнини татбиқ этиш, аҳолининг кенг қўламдаги катламларини замонавий технологиялар ёрдамида мутолаага қорлаш масалалари муҳокамаси; мутолаа этишни илгари суриш юзасидан умуммиллий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш; мутолаа бўйича ҳудудий изланишларни омма эътиборига ҳавола этиш ва натижаларни муҳокама қилиш; мутолаа бўйича ҳудудий ўрганишлар ва мутолла изланувчилари учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш координацияси.

1996 йилдан бошлаб ҳар йили ЮНЕСКО мутолла, ёзувчи меҳнати ва салоҳияти ҳимоясига ҳисса қўшиш мақсадида 23 апрелда бутун дунё бўйлаб китоб кун ва муаллифлик ҳуқуқи кунини нишонлайди. «Ижод маҳсули бўлган ҳолда маълумотлар ва таълим (китоблар) ҳар бир маданиятга ўзига ҳос бўлган асосий хусусиятларни сақлай билиш ва ўзгаларнинг келиб чиқишини қўра олиш имкониятини яратади. Турли маданиятлар орасида эшик ва цивилизациялар орасида қўприк бўлиб замон ва масофадан қатъий назар, китоблар суҳбат қуриш, тажриба алмашиш ва ривожланиш манъбаи ҳисобланадилар», деди ЮНЕСКО бош директори Коитиро Мацуура. ЮНЕСКО томонидан амалга оширилаётган бир қатор дастурлар, саводхонликни кенг қўламда татбиқ этишда ушбу ташкилотнинг мақсадга бўлган садоқатини намойиш этади.

3. АХБОРОТ ОЛИШ МАДАНИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИХАТЛАРИ

Бугунги кунда мультимедиа технология — бу ўқув жараёнидаги энг самарали йўналишлардан бири. Мультимедиа технология ўқув жараёнини бойитиб уни янада самарали бўлишига ёрдам беради ва ўргатилаётган мавзунинг қўпгина асосий тарафларини қабул этишни осонлаштиради. Мультимедианинг ўзига ҳослига шунгаки, унда бир вақтнинг ўзида ҳам

рангли графика, анимация, овоз ва гипертекстдан фойдаланиш имкониятининг борлиги. Анъанавий тарздаги таълим бериш жараёни билан таққосланганда таълимда мультимедиали технологиялар қуйидаги афзалликларга эга:

- Рангли графика, анимация, овоз ҳамоханглиги ва гиперматндан фойдаланиш;
- Доимий тарзда янгиланиб туриш;
- Мультимедиали дарсликларни кўпайтиришдаги енгиллик
- Дарс давомида бевосита ўқувчиларнинг мультимедиали ёрқин тарздаги ўйин дарсларни маълум даражада яратишдаги иштироки

Мультимедиали ахборот олиш орқали билим олиш сифати тезликда шаклланади ва ўқувчиларда олинаётган ахборотга нисбатан қизиқиш самараси кескин ортади. Мультимедиали дарсликлардан фойдаланувчи ўқитувчиларнинг дарс ўтказишлари учун осонликлар ва қулайликлар мавжуд.[16] Мультимедиали дастурлар, технологиялардан фойдаланиш қуйидаги самараларни беради:

- Таълим олишга бўлган қизиқиш кучаяди;
- Таълим олувчиларнинг ахборот маданияти ўсади
- Ўқиш ва тарбия олиш сифатлари шаклланади.
- Ахборотни қабул қилиш имконияти ортади

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики ахборот маданиятини шакллантиришда портал яратиш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Мисол учун Германия Antolin лойихаси асосида яратилга мультимедиали болалар портали, АҚШ Бостон болалар кутубхонаси портали. Кутубхона портали шундай яратилганки унга кирган фойдаланувчи ўзи учун зарурий ахборотларни қийналмасдан топа олади кутубхона ходимлар болалар қизиқишини , эътиборини ушлаб туриш мақсадида кутубхонадаги тадбирлар ойлик календарини тақдим этадилар ва

Children's Events (Болалар воқеалари)

Online Games (Онлайн ўйинлар)

Homework Help (Ўй вазифалари)

Frequently Asked Questions (FAQs) for kids (болалар учун кўп бериладиган саволлар)

Contact a children's librarian (болалар кутубхоначиларининг контакти)
каби тезкор хаволаларни тақдим этадилар. [bos sayti]

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки мамлакатимизда ҳам бу соҳада бир қатор янгиликлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Корея давлати билан ҳамкорликда янги лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Ҳозирда кутубхонанинг Мультимедиа маркази кутубхонанинг мультимедиа дастурлар порталини ташкил қилган. Порталнинг структураси youtube структураси тарзида ишлаб чиқилган. Қидирувнинг оддий ва мураккаб кўринишлари мавжуд. Бўлимлар манбаларнинг жанрларига кўра ажратилган. Фойдаланувчилар истаган маълумотларини аудио, видео форматларида кўриш имконига эгалар. Қуйида ушбу кутубхона мультимедиа порталининг интерфейси ва бўлимлар интерфейсларини келтирамиз. (Илова 1, 2, 3, 4, 5, 6, расмларга қаралсин).
[www.natlib.uz]

Худди шундай портал Республика Болалар кутубхонасида ҳам ташкил этилган. Портал болалар учун қизиқарли, эътиборни жалб қиладиган тарзда ёрқин. (Илова 7, 8, 9 расмларга қаралсин)[www.kitob.uz]

ХУЛОСА:

Ахборот олиш маданиятини шакллантириш мавзуси устида ўз илмий ишимни бошлаш довомида, ахборот олиш маданияти атамасининг нихоятта кенг қамровли атама эканлигига гувоҳ бўлдим. Бугунги кунда ахборот олиш

маданиятини шакллантириш энг долзарб бўлган масалалардан бири хисобланади, чунки, ахборот оқимининг тезликда ўсиб бориши, тақдим этилаётган ахборотлар орасидан керакли, зарурий ва фойдалиларини ажратиб олиш мураккаб. Бунинг учун ҳар бир шахс мустақил фикрга эга, дунё қараши кенг ахборотлар уюмидан ўзи учун кераклигини ажратиб олиш салоҳиятига эга бўлиши лозим. Ахборот олиш маданиятини шакллантиришнинг бир нечта босқичлари мавжуд бўлиб улар орасида энг муҳми бу кишилар орасида ўқиш маданиятининг ўрнини ошириш. Аҳолиси мунтазам равишда ўқиш, мутолаа қилиш билан машғул бўлган жамият пойдевори мустаҳкам бўлишига жаҳон мамлакатлари орасида ўқиш маданияти даражасини таҳлил қилиш чоғида яна бир бор амин бўлдим. Бир неча йиллар инсонлар орасида ўқишга бўлган эътиборнинг пасайганлигини ва бу ривожланган давлатларни ҳам четлаб ўтмаганлигини билдим. Ўқиш маданиятини шакллантириш одамлар орасида жиноятчиликни, бепарволикни олдини олади. Замонавий технологияларнинг ривожланиши ўқишга бўлган эътиборни бир мунча пасайтириб юборди. Давр талабини инобатга олган ҳолда ахборот олиш маданиятининг бир бўлаги бўлган ўқиш маданиятини ҳам замонавий кўринишда тарғиб этиш мақсадга мувофиқ.

Бунинг энг самарали усули бу мультимедиа воситаларидир. Мультимедиали дастурлар, воситалар бугунги кунда бутун дунё миқёсида жадал ривожланмоқда ва уларга бўлган талаб ҳам ортиб борапти. Бунинг асосий сабаби бу мультимедиали воситаларнинг эътиборни жалб қилувчи жиҳатлари.

Ахборот олиш маданиятини шакллантиришда мультимедияли дастурлардан фойдаланиш самараси юқори. Унда тингловчи бир вақтнинг ўзида ҳам эшитиши, кўзи билан кўриши, ўзи ҳам дарс давомида бевосита иштирокчига айланиб бирон бир янгиликлар киритиши мумкин. Ахборот олиш маданиятини шакллантириш ишини кичик ёшдаги болалар билан бошлаш кутилган натижани беради деб ҳисоблайман. Чунки болалар онги

хали тоза ва унга қайси тарафдан тарбия берсанг шу тарафдан ривожланиб камолга етади. Биз уларга кичикликларидан ахборот билан ишлашни ўргатиб борсак, уларда ахборот олиш маданиятини шакллантирсак келажакда уларда турли зарарли ахборотларга қарши имунитет пайдо бўлади. Бу эса энг зарурий масаладир.

2 бобда кичик ёшдаги болалар билан ишлашда, уларда ахборот олиш маданиятини шакллантиришда нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида маълумот бериб, масаланинг ечимини кўрсатувчи алгоритм ва тавсия кўрсаткичини тақдим этаман.

II-БОБ: АХБОРОТ МАДАНИЯТИ МЕТОДЛАРИНИ ЯРАТИШ УСУЛЛАРИ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

1. АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Замонавий ахборот тизимлари кенг кўламдаги турли форматларга ахборот ва маълумотларни киритиш, саралаш, тақдим этиш ва сақлаш қурилмаларига эга эканлиги билан ажралиб туради. Булар матн, жадвал, диаграммалар, овоз, одатий (плоский) ва 3D графика, анимация, видеолардир. XX асрнинг иккинчи ярмида ахборотларга бўлган талабнинг ортиши рақамли технологияларнинг яралишига сабаб бўлди. Компьютер ва коммуникацион технологиялар ахборотлардан фойдаланиш жараёнини оширди ва интерфаоллаштирди. Ахборот ресурси таснифи ва уни муайян тоифаларга бўлишда турли хил хусусиятлардан фойдаланиш мумкин. АР да на семантик тахлил, на синтактик тахлил ва на прагматик қисмларни талаб этмайдиган умумий хусусият бу маълумотни тақдим қилиш ёки қайд этиш шаклидаги хусусиятдир. Шунга мувофиқ тарзда 2.1 расмда АР таснифи кўрсатилган.[17]



Расм. 2.1 Ахборот ресурслари классификацияси

Кўрсатиб ўтилган таснифга кўра, бутун бир АР мақсадли равишда икки гуруҳга бўлинади. Маълумотни сақлаш хусусиятига кўра хужжатлаштирилган АР, шунингдек, икки тоифага бўлиниши мумкин: Қайд этилган ва турли воситалар ёрдамида сақланадиган (турли ашёлар: қоғоз, холст, лой, парафин (мум), фототасма, кинотасма, магнит тасмаси ва хоказо) ва электрон шаклга ўтирилган ва электрон шаклда қайд этилган (компьютер хотираси, дискета, компакт диск ва хоказо). Аслик хусусиятига кўра хужжатлаштирилган АР қуйидагиларга бўлинади: Оригинал (асл) хужжатлар (**Оригинал** латинча **originalis** дан келиб чиққан бўлиб асл, бирламчи маъносини беради. (нусхадан фаркли ўлароқ)


Тематик хусусият жихатига кўра АР бир қатор тематик соҳаларга ва соҳа йуналишларига бўлиниши мумкин, масалан:

- Илмий ресурслар (манъбалар)
- Ижтимоий ресурслар
- Атроф муҳит ресурслари
- Қонунчилик ресурслари
- Норматив-ҳуқуқий ресурслар
- Статистик ресурслар
- Ўқув ресурслари ва ҳкзо

АР нинг ушбу таснифи хусусиятидан фойдалана билиш етарлича мураккаб, чунки айнан бир ресурс бир қатор турли мавзуларга оид маълумотларга эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда АР мавзуларга мос тарзда киритилади ва шу тариқа у бир неча маротаба турли руйхатларда учраши мумкин бўлади. АР жўнатувчидан (коммуникатор) истеъмолчига (реципиентга) ахборот узатишнинг оғзаки, хужжатли ва электрон каналлари орқали тарқатилади.

Ахборот ресурсларини етказиш бугунги кундаги энг зарурий масалалардан бири ҳисобланади. Ахборот ресурсларини етказиш усулини

шартли равишда иккига бўлишимиз мумкин. 2.2 расмда ушбу усуллар келтирилган.




Расм.2.2 Ахборотларни узатиш усуллари ва воситалари


Бугунги кунга келиб номоддий ахборот бериш шакли кенг миқёсда ривожланган бўлиб унга талаб ҳам моддий шаклига нисбатан бир мунча юқори. Бунинг сабаби эса номоддий шаклда ахборотларни етказиш берувчига ҳам олувчига ҳам қулай етказиш ва олиш йўли тушунарли ва қабул қилиш бир мунча тез. Шунингдек яна бир асосий афзалликларидан бири бу, ахборотларни сақлаш жараёнидаги устунликдир. Масалан: маълумотларни кўпайтириш ва сақлаш учун махсус қаттиқ технологиялар (Hard Disk Drive — HDD, Compact Disk — CD, Digital Video Disk — DVD), электрон (Flash Memory) ва виртуал (Virtual Media) ташувчилар яратилди. Шунингдек (Data Recording/Conversion/ Playback) каби қулай

интерфейсга эга дастурий ускуналар компьютер технологиялари борасида керакли билимга эга бўлмаган фойдаланувчилар учун ҳам қулай ва унда фойдаланувчи компьютер техникаси билан эмас айнан ахборот билан ишлаш имкониятига эга бўлади. Бу восита “мультимедиа”, дастурий аппаратларга эга технологиялар эса “мультимедиа технология” деб номланади. Мультимедиа хужжат фақатгина матн, овоз, графика ва турли анимациялардан иборот эмас, унда фойдаланувчи дастурдан фойдаланиш давомида ўзи ҳам бевосита мультимедиа хужжат яратишда иштирок этиш имкониятига эга. Биргина материал тайёрлаш давомида бир нечта мультимедиа воситалардан фойдаланиш мумкин. Бу эса мутахасисда фаол “шахс-таклиф-компьютер-мухит (ҳақиқий ёки виртуаль)” мулоқотни шакллантиради. Масалан, веб технология асосида яратилувчи мультимедиа воситалари негизига умумлаштирилган алоқаларнинг умумий объектга қаратилган услубиёти ва гипертекстнинг концепсияси жойланган.[27] Бундай воситанинг кенг тарқалган турини шундай шархлаш мумкинки, фойдаланувчиларнинг аксарият қисми ҳозирги кунда тармоқдан фойдаланиш ва веб саҳифаларнинг элементларини яратишдаги воситаларига бўлган имкониятга эга бўлиб, дастур тилларининг ёритилиши, матнларни жойлаштириш, ишлаб чиқарувчилар сайтларидаги қулай стандартлар ва техник хужжатлар уларга янада кўпроқ имкониятлар яратади. Қобилиятнинг, технологик воситаларнинг ва оператив хотира ҳажмининг тез ўсиши технологиянинг мукамаллашуви, мультимедиа ривожланишига туртки беради ва янги йўналишларнинг , техник ечимларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Авваламбор бу уларнинг интерфаоллигида, виртуаль реалликка хос бўлган воситаларнинг яратилиши, виртуаль дунёқарашлар, катта ҳажмли ва интерфаол телевиденияда мультимедиа мижозларига хизмат кўрсатувчи тармоқларда ўз аксини топади. Мисол тариқасида Windows учун яратилган янги IP/TV-сервер ва IP/TV-мижоз ва шунингдек интернет телевидения учун мўлжалланган маҳсулотлар асосида Cisco компаниясининг яратилиши кабиларни айтиб ўтиш мумкин.[20]

2. АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Мультимедияли технологиялар махсус механизмлаштирилган ва дастурлаштирилган воситалар, шунингдек, маълумотларнинг умумий, махсус форматлари томонидан илгари сурилади.





Мультимедиа базаси	Ахборотларни бошқариш
	Тарқатиш
	Сақлаш технологиялари. Ахборотларни қисқартириш усуллари
	Кучли микропроцессорга эга компьютер қурилмалари

Мультимедиа воситаларининг Аппарат қисмига тегишли талаблар	Процессор 1,5 Гц
	Қаттиқ диск 80 Гб
	Овозли ва видео карталар
	Акустик калонкалар
	Микрофон
	Ёзувни ўқиш қурилмаси CD/DVD дискларни

Мультимедиа маҳсулотининг	Овозли (Adobe Audition), анимацияли (Alias Maya) ва графика редакторлари (Adobe Photoshop, Corel Draw)
---------------------------	--

дастурий таркиби	тақдимот тайёрлаш (Power Point)
	Кодлаш ва коддан чиқариш пакетлари (Coding/ Decoding)
	Муסיқали дискларни яратиш, рақамли суратларни кўриш, муסיқали суратлар альбоми ва галереясини ташкил қилувчи пакетлар.

Мультимедиа инг Имкониятлари	Гипперматн
	Презентация
	Видеоклип

Алохидалик белгилари	Интерфаол мухит,дастурий қурилмаларнинг кенг имкониятлари,содда , тушунарли интерфейс
----------------------	---

Қуйидагилар муьтимедиаи маълумотларни саралаш ва қисқартириш учун асосий форматлар ҳисобланади.

Формат тури	номи	Изоҳ
Матн	txt, doc, docx, rtf, pdf, html.	Деярли барча муьтимедиаи қурилмалар ушбу матнли форматлар билан ишлаш ва уларни ўқиш имкониятига эга
Графика	JPEG, GIF, BMP, TIF MJPEG, DVI, Wavelete	Статистик динамик, анимация яратиш учун
Овозли маълумотларни қисқартиш форматлари	AIF, ASF, AU, AVI, BUN, MID, MP2, MP3, MPEG, SND, WAV, WRK.	Бугунги кунда энг машхур форматлардан бири бу AU (Sun Microsystems) ва WAVE (Microsoft) форматлари. Интернет тармоғидан аудио маълумотларни узатишнинг қулай формати эса MP3. Бу формат овозли маълумотларни Audio CD сифати даражасида, аммо, ҳажмини 4 дан 20

		марттагача қисқартириб олиш имкониятига эга.
Видео маълумотларни қисқартириш форматлари	ISO/IEC JTC1 SC29 WG11	аудио ва видео сигналларнинг умумий кодлаш нормасини яратиш.

ISO/IEC JTC1 SC29 WG11-Стандартлар оиласи тез суратларда ўсиб бормокда масалан 2001 йилда MPEG-21 (Multimedia Framework) мультимедиа тузилишини тарифловчи стандарт яратилди, 2006 йилда эса жуда ҳам муҳим стандартлар гуруҳи MPEG-A (Multimedia Application Format), MPEG-B (Multimedia System Technologies), MPEG-C (Multimedia Video Technologies), MPEG-D (Multimedia Audio Technologies), MPEG-E (Multimedia Middleware) и MPEG-U3D (Multimedia Universal 3D File Format) яратилди. Бугунги кунда етарлича малакага эга бўлмаган фойдаланувчилар кенг қўламдаги мультимедиа маҳсулотлари учун қўлланиладиган MPEG-1, 2, 3, 4. форматлари билан танишлар. MPEG-1 ҳаракатланаётган тасвирларни секундига 1,5 мега.бит тезликда маълумотларни узатаётган товушлар оқимини қисқартириш ва кодлаш учун яратилган. MPEG 2 видео тасвирларни ўтказишда секундига 3 мегабайтдан 15 мегабайтгача тезликда саралаш учун мўлжалланган. MPEG 3 бошида секундига 20-40 мега бит тезликда маълумот оқимини йетказиб берувчи юқори даражадаги телевидения тизимида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб кейинчалик MPEG 2 қисмига айланди. MPEG-4 рақамлаштирилган медиа маълумотлар билан ишлаш вазифаларни қуйидаги 3 йўналишда белгилаб беради, яни булар: интерфаол мультимедиа, график саҳифалар ва рақамли телевидения. Мультимедиа технологиялари техника бозорида янгилик бўлди ва компьтер техникаси, дастурий таъминот билан шуғулланувчи йирик компаниялар мультимедиа индустрияси қатнашчиларига айландилар. Американинг Sun Microsystems компанияси

томонидан “мультимедияни бошқариш тизими” (Digital Media Management — DMM) атамаси киритилди. [17]

Механизмлаштирилган воситаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Асосий воситалар: Кучли процессор ва катта хотирага эга бўлган, манипулятор (сичконча, джостик)га эга бўлган стереодинамика қурилмаларили мултимедиа мониторига эга бўлган компьютер.

Махсус воситалар: Тасмаларни ижро қилиниши учун мўлжалланган CD, DVD ташувчилар, TV-тюнерлар ва видео сигналларни электрон шаклга ўтказиш имконини берувчи мосламалар, буфердаги маълум бир тасвирларни сақлаган ҳолда уларни дискка узатувчи мосламалар ёки компьютер мониторидан ажратилиб кўрсатилган ойналар ёки доимий мунтазам ойналарга тўғридан тўғри тасвирларни узатувчи мосламалар, график жараёнини тезлатувчи мосламалар, овоз ва видео адаптори, акустик тизимларни қувватловчи мослама ва бошқалар. [20]

Мультимедияли дастурлар тайёрлаш жараёни қийин жараён, мультимедияли дастурлар эса қиммат бўлиши билан бирга таълим сифатини оширишда катта таъсир кучига эга. Ахборот олиш маданиятини шакллантиришда мультимедияли воситаларнинг роли юқори. Улар қабул қилиш тезлигини оширади, мустақил фикр юритишга ўргатади ва фойдаланувчида интерфаол қобилиятни шакллантиради. Мультимедияли мутолаа орқали билим олиш сифати тезликда шаклланиши ва ўқувчиларда олинаётган ахборотга нисбатан қизиқиш самараси кескин ортади. Мультимедияли дарсликлардан фойдаланувчи ўқитувчиларнинг дарс ўтказишлари учун осонликлар ва қулайликлар мавжуд. Мультимедияли дастурлар қуйидаги формат майдонлари асосида яратилади. Булар UzMARC, Dublin core, MARK 21 ва MODS.

Dublin core (Маълумотлар кўрсаткичлари)

Дублин ядроси тизими 1995 йил АҚШ Огаё штати Дублин шаҳрида OCLC штаб квартираси ходимлари томонидан ишлаб чиқилган. Тизимнинг асосий мета маълумотлари (бугунги кунда улар 15 та) ишлаб чиқилди. Дублин ядронинг барча элементлари мажбурий эмас.Қуйида Вильям Армс томонидан келтирилган Дублин Ядро элементларини келтирамиз.

Title (Сарлавҳа)	ношир ёки ресурс яратувчиси томонидан ресурсга берилган ном.
Creator (Муаллиф)	ресурс мавзуси. Одатда предмет ёки ресурс мазмунини очқич сўзлар орқали ифодаланади.Бу элементдан фойдаланилаётганда назорат қилинаётган сўзлардан ёки классификациялашнинг формат схемаларидан ёрдамчи материал сифатида фойдаланиш тавсия этилади.
Description (тавсиф)	ресурс мазмунинг матнли тавсифи. Хужжатлар учун реферат шаклда, визуал ресурслар учун уларнинг мазмунини очиб берувчи матнли тавсиф шаклда бўлади.
Publisher (нашриёт)	ресурсни жорий ҳолатда яратишга масъул бўлган ташкилот.
Contributor (ресурсни яратишда қатнашувчи иккинчи жавобгар шахс)	“муаллиф” элементида кўрсатилмаган, аммао, ресурсни яратишда қатнашган шахс ёки ташкилот.(мухаррир, таржимон, рассом)

Ёки ташкилот)	
Date (Сана)	ресурсни яратиш санаси.
Type (Тип)	ресурс категорияси масалан: (аудио, видео, расм, mp3)
Format (Формат)	ресурс маълумотларини акс эттирувчи формат (одатда дастурий восита типи кўрсатилади, ресурс билан ишловчи компьютер типи ҳам кўрсатилиши мумкин.)
Identifier (Идентификатор)	ресурсни идентификация қилувчи харфлар ёки рақамлар жамламаси. Ресурс тармоқда тақдим қилинганда URL ва URN кўрсатилади акс холда ресурс жойлашган жой адреси кўрсатилади.
Source (Манба)	мазкур ресурс олинган иккиламчи манба тўғрисидаги ахборот.
Language (Тил)	ресурс интеллектуал мазмунини баён қилган тил.
Relation (Алоқа)	иккиламчи ресурс идентификатори ва унинг жорий ресурс билан алоқаси. Бу элемент ўзаро яқин ресурсларни боғлашга , ҳамда, кўрсатилиши керак бўлган ресурсларни тавсифлашга имкон беради.
Coverage (Қамров)	ресурсни жойлашган жойи ва вақт бўйича давом этишини характерлайди.
Rights (Ҳуқуқ)	муаллифлик ҳуқуқини тасдиқлаш ва уни бошқариш, улар билан боғлиқ идентификатор, мазкур ресурс билан боғлиқ муаллифлик ҳуқуқи ва уни бошқариш

	тўғрисидаги ахборотлар.
--	-------------------------

Дублин ядроси билан боғлиқ барча элементларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

- Ресурс мазмунига оид элементлар (Content)
- Интеллектуал мулк нуқтаи назаридан рақамли ресурсни тавсифловчи элементлар (Intellectual Property);
- Аниқ бир ресурс нусхасига тегишли элементлар (Instantiation).[29]

MODS (Маълумотлар кўрсаткичлари)

MODS формати ҳам MARC форматлари қаторига кириб ушбу формат майдонларидан танлайди ёки маълумотларни киритиш учун қулайроқ шаклини ташкил этади. Формат XML (Extensible Markup Language) ҳалқаро дастур тилига асосланган. MODS ўз маълумот майдонларига эга бўла олиш имкониятига қарамай, бошқа форматлар майдонларини ҳам тўлдириш имкониятига эга. MODSнинг характерли жихатлари қуйидагилар:

- Маълумотларни тақдим этишда XML структурасидан фойдаланиши;
- Майдонлар ва майдон ости ёзувларини инсон ўқий оладиган ва тушунадиган сўзлар билан ёзилганлиги (MARCдан фарқли равишда) ва қайдларни қайта ишлаш имконияти;
- Киритилиши лозим бўлган элементларнинг камлиги, бу каталоглаштиришни осонлаштиради;
- MODS майдон элементларининг айнан электрон ресурсларига хос жихатларига мослаштирилганлиги;

Формат 20 та асосий бўлимдан ва 64 та майдон ости бўлимчаларидан иборат. Қуйида ушбу майдон ва майдонистиларини кўриб чиқамиз

MODS Элементлари	Антрибутлари	Элемент ости белгилари
Сарлавҳа ҳақида	Тип-type	<title>

ахборот <titleinfo>	Авторитет манба- authority Экранадаги кўриниш- displayLabel	<subTitle> <partName> <nonSort>
Номи	Тип-type Авторитет манба- authority	Номнинг қисми<name- part> Кўриниш шакли<displayForm> Қўшилиши<af-filiation> Вазифаси<role> Вазифа тури<roleTerm> Таснифи <description>
Ресурс тури- <typeOfResource>	Коллекция<Collection> Қўл ёзма<manuscript>	Йўқ<none>
Жанр-<genre>	Авторитет манба- authority	Йўқ<none>
Жараён ҳақидаги ахборот-<originInfo>	Жой тури-type<plece> Авторитет манба жойи- authority<place> Кодлаштириш сана- encoding-date Вақтни белгилаш-point- date Калитли сана-keyDate Квалификатор сана- qualifier-date	Жой<plece> Ношир<publisher> Чиқиш санаси<dateIssued> Яратилган сана<dateCreated> Олинган сана<date saptured> Биринчи сана<date Valid> Ўзгаритириш киритилган

		сана<datemodified> Авторлик хукуки ўрнатилган сана<copy rightdate> Бошқа сана<date other> Нашриёт<edition> Сон<issuance> Вақтлилиги<frequency>
Тил -<language>	Тур-type-<language- Term> Авторитет манба- <language Term> Объектнинг қисми-object- Part-<language Term>	Тил тури-<language Term>
Физик тасвир- <physicalDescription>	Тур-type-<form>&<note> Авторитет манба- authority-<form> Кўриниш-display-Label- <note>	Шакл<Form> Шаклни алмаштириш ускунаси<reformatingQu ality> Интернет медиа тури<internetMediaType > Босқич<extent> Нашрни рақамлаштириш<digitak Origin> Қайд<note>
Аннотация-<abstract>	Тур –type	Йўқ-none

	Кўриниш- display-Label	
Мундарижа <tableOfContents>	Тур-type кўриниш -display-Label	Йўқ-none
Фойдаланиш аудиторияси<targetAudience>	Authority	None
Қайд(изох)-<note>	Тур-type кўриниш -display-Label	Йўқ-none
<subject>	Авторитет манба- authority Кодлаштириш-encoding- <temporal> Вазиятни танлаш-point- <temporal> Сана калити-key-date- <temporal> Тур<titleInfo>-type Авторитет манба authority<titleInfo> Кўриниш Тур type<name> Авторитет манба authority<name>	Мавзу<topic> Минтақавийлиги<geographik> Вақтинча<temporal> Сарловха хақида ахборот<titleInfo> Номи<name> Жанри<genre> Географик иархия<hierarchical Geographic > Картография- <cartographics> Географик код<Geographic-Code> Билим даражаси- <occuration>
Классификация	Авторитет манба authority Нашриёт-edition	Йўқ-none
Боғлиқ маълумотлар	Тур type	MODS нинг барча

<relatedItem>	кўриниш -display-Label	элементлари элементости бўлиб хизмат қилиши мумкин<relatedItem>
Идентификатор <Identifier>	Тур type кўриниш -display-Label ҳақиқий эмас-invalid	Йўқ-none
Жойлашган жойи <location>	кўриниш -display-Label- <physicallocation> Авторитет манба authority- <physicallocation> Очиқлик-access-<url> Фойдаланишusage -<url> Изоҳ note -<url> кўриниш -display-Label- <url> охирги мурожат санаси- dateLastAccessed-<url>	Жойлашган жойи <location>-<url>
Очиқлик шартлари <accessCondition>	кўриниш -display-Label Тур-type	Йўқ-none
<part>	Тур-type Турларнинг тартиби order- type <detail> Тартиб-order-<detail> Бирлик-unit-<extent>	Батафсил-<detail> Босқич-<extent> Сана-<date> Матн<text>

	Кодлаштириш-encoding- <date> Вазиятни танлаш-point-- <date> Квалификатор-qualifier- <date>	
Кенгайтирилган<extent ion>	Йўқ-none	Йўқ-none
	<recordCrea- tionDate>and<recordChan geDate> Калитли сана Key-date- <recordCrea- tionDate>and<recordChan geDate> Квалификатор Qualifier-- <recordCrea- tionDate>and<recordChan geDate> МанбаSource- <recordIdentifier> Авторитет манба Authority- <languageOfCataloging>	-<recordIdentifier> Ёзувни ёзиш -<recordOrigin> Каталоглаштириш тили -<languageOfCataloging>

UZMARC- ушбу стандарт библиографик ёзувларни яратиш, сақлаш ва миллат ичида ахборот алмашинувини амалга ошириш учун UZMARC коммуникатив формати талаблари, таркиби ва маълумотлари элементларини

тўлдиришни белгилайди, бу библиографик ахборотдан фойдаланишни соддалаштириш, жамлама каталоглар яратиш ва каталог тузишда харажатларни қисқартириш имконини беради. Қуйида формат атамалари ва тарифлари ва қисқартмалари ва уларнинг тарифларини келтирамиз.

Библиографик объект, библиографик бирлик	Иккита физик ва интеллектуал шаклида ёзилган билим тўғрисида ахборот
Қўшимча библиографик ёзув	Асосий библиографик ёзув базасида тузилган каталоглаштирилган ёзув
Библиографик ёзув сарла библиографик ёзувларни сарлавхаси	Библиографик тавсиф жойлашган ва библиографик ёзувларни тартибга солиш ва излаш учун мўлжалланилган библиографик ёзув элементи
Майдон ости идентификатори	Майдон ичидаги майдон остиларини идентификатсия қилиш учун рақамли ва харфли бўлиши мумкин бўлган иккита белги: майдон ости ва кодидан иборат бўлган код.
Иархик даража	Бирламчи библиографик бирликка, яни аввал аниқланган иархик структурада ушбу бирликнинг холатинини кўрсатадиган 200 майдонида тасвирланган бирликка берилган мақом
Индекатор	Майдон мазмуни, ушбу майдон ва ёзувдаги бошқа майдонлар ўртасида ўзаро боғлиқлик тўғрисидаги қўшимча ахборотдан иборат ўзгарувчи майдон билан боғлиқ бўлган сонли ёки харфли белги
Дастлабки формат	Ушбу форматда ўзгаришигача мавжуд бўлган маълумотлар формати
Каталоглаштирилган ёзув	Ҳужжатни сақлаш шифрини ўз ичига олувчи ва кутубхона каталоги учун мўлжалланган библиографик ёзув

Назорат майдони	“0” рақамидан бошланувчи белги билан идентификация қилинувчи майдон
Белги	Майдонни идентификация қилувчи 3 та рақамли символлар мажмуи
Мазмунни аниқловчилар	Маълумотлар элементларини идентификация қилувчи ва ёки майдон остиларининг белгилари ва ахборотни тақдим этувчи кодлар
Асосий библиографик ёзув	Ҳужжатни идентификация қилишни ва излашини таъминловчи ҳужжат тўғрисидаги янада тўлиқ ахборотдан иборат каталоглаштирилган ёзув
Майдон	Битта ва ундан ортиқ майдон остиларидан иборат белги билан идентификация қилинган символларнинг маълум сатри
Майдон ости	Майдон чегарасида ахборотнинг аниқланган бирлиги
Олдинги сарлавха	Бевосита каталоглаштирилган сарлавха олдин келадиган сарлавха
Аввалги сарлавха	Ҳозирги вақтда нашрнинг маълум бўлган номига нисбатан аввалги сарлавхалар
Ёзувларни ажратувчи	Ёзувни кейингисидан ажратиш учун ёзув охирида фойдаланиладиган бошқарув символи
Майдон остиларини ажратувчи	Ҳар доим майдон остининг бошини идентификация қилувчи ноёб символ
Майдонларни ажратувчи	Ҳар бир майдонни кейингисидан ажратиш учун маълумотнома охирида фойдаланиладиган бошқарув символи
Белги қўйиш	Библиографик маълумотларга майдон кодларини бериш жараёни
Ҳужжатни сақлаш	Ҳарфли ёки рақамли белгиларнинг бирикуви

шифри	кўринишидаги ҳужжатни сақлаш жойининг шартли белгиланиши
Маълумотлар элементи	Аниқ идентификация қилишга тегишли бўлган библиографик ёзувнинг энг кичик бирлиги
Қайд қилинган майдон	Қайд қилинган узунликдаги ва қайд қилинган форматдаги маълумотлар майдони
Бир хиллаштирилган сарлавха	Асар сарлавхасининг бир нечта бошқа версиялари орасида энг кўп тарқалган шакли
Белги қўйиш	Библиографик маълумотларга майдон кодларини бериш жараёни
Матнли маълумотлар	Кодланган маълумотларга зид равишда каталоглаштириш ёзувида акс эттириш учун мўлжалланган маълумотлар

Юқорида қайд этилган дастурлар орасида Мультимедияли махсулотларни яратишда энг самарали дастур бу- MODS деб ҳисоблайман. Чунки ушбу дастур юқоридаги икки дастурга нисбатан бир нечта қулайликларга эга.

3. КИЧИК ЁШДАГИ МАКТАБ БОЛАЛАРИДА МУЛЬТИМЕДИАЛИ АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АЛГОРИТИМИ

Болаларга таълим бериш ва тарбия қилиш жараёнида компьютердан фойдаланиш кичик ёшдаги мактаб болалари орасида ҳам тобора оммавий ҳолатга айланиб бормокда. Кичик ёшдаги бола учун таълим муҳитининг ташкил этишнинг умумий тамойиллари мавжуд:


- Фаолиятни ташкил этиш учун керак бўлган барча жихозлар билан таъминланган муҳит;
- Билим кўникмалари ўйин ва мулоқот асосида олиниши лозим. Гарчан бу биргина компьютер ва мультимедияли дастурларга боғлиқ

булмасада, булар ушбу мухитнинг энг асосий воситаларидан ҳисобланади.

- Фаолиятнинг бошқа турлари, турли мутахассис ва тарбиячиларнинг ишларини болалар дунёни кашф қила олишлари ва бир - бири билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни ярата олишларини мақсад қилган жамловчи ахборот технологиялари буларнинг бари болалар ўқиш, ёзиш, фикрлаш, нутқни ривожлантириш ва мулоқотга киришиш кўникмаларини шакллантираётган бир пайтда содир булишини таъминлайди. [12]

Шунинг учун мен кичик ёшидаги болаларда ахборот маданиятини шакллантириш буйича олиб борилаётган ишларни долзарб деб ҳисоблайман. Мактабга тайёрлов ёшидаги болаларда ахборот маданиятини шакллантиришда қуйидагилар ўз хиссасини кушади:

- Белгиланган вазифани ечишда болалар учун керак булган маълумотни қидиришни талаб этувчи ҳолатларни яратиш;
- Медиа манбаларидан (ресурсларидан) фойдаланиш.



2.4.кичик ёшидаги болаларда ахборот олиш маданиятини шакллантириш алгоритми

Юқорида келтирилган алгоритм орқали болаларда манбалар билан ишлаш улар орасидан зарурий бўлган ахборотни танлай билиш кўникмаси шаклланади. Қуйида блокларга шарҳ келтирамиз:

МАНБА - видео, мр3, расм, ва ҳоказо

ЎРГАНИШ - ахборотни таҳлил этиш

АХБОРОТ– таҳлил этиш орқали эсда сақланган манба

ТУШУНИБ ЕТИШ - манба мазмунини англаш

ЎЗЛАШТИРГАНЛАРИНИ ИСБОТ ЭТА ОЛИШ- манба ҳақидаги фикрларини баён этиш

ЎЗЛАШТИРИЛГАН МАНБА - мазмуни тўлиқ англаб етилган манба ёки манбалар мажмуи

ТАХЛИЛ ЭТА БИЛИШ - ўрганилган ахборотнинг ўзига хос жихатларини ажрата билиш

ҚИЁСЛАШ, ҚОНУННИ АНГЛАШ ВА ҚЎЛЛАШ-ахборотларни алохидалик белгиларига кўра ажрата олиш ва фарқлаш ўз сўз бойлигида ишлатиш

МАНБАНИ СИНТЕЗЛАШ-Жамланган манбани ўрганиш қўллаш

АХБОРОТНИ ИЖОДИЙ ҚАЙТА ИШЛАЙ ОЛИШ-эгалланган ахборотни таҳлил этиш ва ундан фойдаланиш мобайнида бола ҳам ўз ижодий ёндашуви асосида қўшимчалар кирита олиш қобилиятининг шаклланишуви


НАТИЖА-ахборотни саралаш, фойдаланиш, таҳлил этиш, ижодий қайта ишлаш кўникмасини эгаллаш

ЯНГИ БИЛИМГА ЎТИШ- янги ахборот билан ишлаш


Шу ўринда берилаётган ахборотлар мултимедиа дастурлари ёрдамида етказилса кутилаётган натижа самараси янада ортади. Чунки мультимедиа воситаларининг имкониятлари кўргазмали материаллар билан ёки оғзаки тарзда етказиб беришдан самарали ва қулай. Болалар учун ҳам ўтилаётган дарсни қабул қилиш тезроқ ва тушунарли бўлади. Аммо мультимедиа дали дарсликлардан фойдаланиш мобайнида тингловчининг ёш чегарасини ҳисобга олиш муҳим саналади. Боғча ёшидаги болаларга анимация кўринишидаги ахборотлар қизиқарли кўринса, мактаб ёшидагилар учун бу бир оз зерикарли бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам болалар учун мультимедиа дали дарсликлар, маҳсулотлар тайёрлаш давомида ёш чегарасини инобатга олиш муҳим ҳисобланади.

4. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ


Бошланғич синф ўқувчилари нинг ахборот маданиятини шакллантириш бошқичларини аниқлаш мақсадида бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида сўровнома ўтказилди. Ўтказилган сўровнома натижалари асосида қуйидаги тавсия кўрсаткичи тузилди. Қуйида сўровнома натижалари ва тавсия кўрсаткичини келтирамиз.




Мультимедиа воситалари деганда нимани тушунасиз




Ахборот маданиятини шакллантиришда мультимедиа технологиялари ижобий самара беради деб ҳисоблайсизми




Иш фаолиятингизда мультимедиа воситаларидан фойдаланасизми




Мультимедиади дарс жараёни анъанавийдан мазмунлироқ деб ҳисоблайсизми




Кичик ёшдаги болаларга дарс ўтиш жараёнида қайси фанларда мультимедиа технологияларини қўллаш самарали деб ҳисоблайсиз




Қайси фанларда мультимедиа технологияларини қўллаш самарали деб ҳисоблайсиз




Мультимедиа воситалар дарс сифатини оширади деб ҳисоблайсизми



Мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг авфзалиги нимада деб ҳисоблайсиз



Мультимедиа воситаларининг салбий томонлари нимада деб ҳисоблайсиз



МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

Бошланғич мактаб даври бу боланинг ижтимоий ривожланишининг бирламчи даври бўлиб, бу даврда ҳаётнинг турли жихатлари билан муносабатларни шакллантириш ва маданият оламига қадам қўйишжараёни содир булади. Ахборот маданияти умуминсоний маданиятнинг элементиدير. Унинг негизида таълим ётади, чунки у инсонни ахборот

маданиятидаги ҳаётга тайёрлайди,бу ҳаётда инсон ахборотни қабул қила олиши ва ишлата билиши лозим бўлиб,шунингдек ахборотни баҳолай билиши, фарқлай олиши ва энг асосий қисмини ажрата билиши даркор.Ушбу давр бола ёшининг энг катта даври бу рухий ривожланишнинг жадал босқичидир.Шуниси муҳимки,прогрессив ўзгариш барча соҳаларда кечади, рухий ва жисмоний вазифаларни такомиллаштиришдан тортиб то мураккаб шахс шаклланишгача. Бола организмнинг барча физиологик системалари фаолиятида жадал ривожланиш ва ўзгаришлар содир бўлиши кузатилади,яъни асаб,юрак қон-томир, эндокрин таянч-ҳаракат қаби тизимларида. Боланинг буйи тез ўса бошлайди,вазни оғирлаша боради,тана ўлчамлари ўзгара боради.Асаб фаолиятида сезиларли ўзгаришлар содир бўлади. Ўз хусусиятларига кўра олти ёшли боланинг бош миёси катта ёшдаги кишининг бош миёси кўрсаткичларига яқинлашади. Боланинг организми у 7-11 ёшлардаги даврида бола мунтазам мактаб таълими билан узвий боғлиқбўлган ривожланишнинг юқори босқичига тайёр эканлигини кўрсатиб беради. Ушбу ёшнинг яна бир аҳамияга молик хусусияти шундаки, бу даврда билим олиш ва фикрлаш қаби жиҳатлар ривожланиб, диққат –эътибор, тафаккур, тасаввур, хотира, нутқ қаби жиҳатлар болаларда ахборот маданиятининг шаклланишига асосий замин яратиб беради.[7]

7 ёшга келиб мактабгача бўлган ёш даври яқунланади. Бу ёшга қадар эришилган асосий ютуқлар инсон маданияти билан боғлиқ бўлган дунё ҳақида тушунчага эга бўлишдир; болалар кишилар билан ижобий мулоқотда бўлиш кўникмаларини эгаллайдилар, мактаб боласининг шакли ҳосил бўлади. Мактаб ёшигача бўлган даврнинг охирига келиб болалар билим ва шахс сифатида ривожланишнинг юқори даражасига эга бўладилар ва бу уларга мактабда муваффақиятли равишда ўқиш имкониятини беради.

Мактабгача бўлган ва бошланғич синф бола ёшининг энг катта даври умуман олганда шахс маданияти негизига замин яратади, шунингдек ахборот маданиятига ҳам. Шахснинг ёшидан келиб чиққан ҳолда ҳар томонлама

рухий ва жисмоний ривожланиш, шахсий фазилатларни шакллантиради ва замонавий жамиятдаги турмуш тарзига тайёрлайди, мактабда таълим олиш ва унинг ушбу давридаги хавфсизлиги учун шароит яратади. Бола ўз билим эhtiёжларини кондириш учун керакли ва қулай маълумот ола билиш имкониятига эга бўлиши лозим. Бундай маълумот болага дунё хақида тасаввурга эга бўлиш, фикрлашга ўрганиш ва тахлил килиш, ўз қобилиятларини ривожлантириш, хотирасини мустахкамлаш ва тасаввурини бойитиш имкониятини беради. Бунда ахборот маданиятининг бир қисми бўлган болалар китоблари, болаларга бағишланган телевизион дастурлар, ривожланишга замин яратувчи компьютер уйинлари, мультимедиа дастурлар катта аҳамият касб этади, боланинг шахсий фазилатлари унинг фаолияти натижасида шаклланади. Кичик ёшдаги бўлган болалар учун характерли бўлган хусусиятлар бу ўрганиш орқали билим доирасини кенгайтириш, меҳнат лаёқатини бошдан кечириш каби фаолиятлардир. Аммо бола фаолиятнинг маълум бир турига ўзида бўлган қизиқиш нуқтаи назаридан ёндошади, бунда мотивациянинг ўрни катта аҳамият касб этади. Бунда катталар (тарбиячи) муҳим роль ўйнайди, яъни болани фаолиятга йуналтириб, керакли янги маълумот ва билим билан таъминлайди ва янги маълумотни қай тарзда олиш ва қандай қилиб ундан фойдаланиш кераклигига ўргатади. Ахборот хақида ҳар бир шахс маълумот бера олиши, ундан фойдалана билиши, маълумотни баҳолай олиши, фарқлай олиши ва энг моҳиятли қисмини ажрата билиши лозим.

Ахборот маданияти компонентлари қуйидагилар:

- Бир неча ахборот манбаларига фикрни жамлай олиш қобилияти (китоблар, санъат, уйинчоклар; тенгдоши ва катталарнинг ҳикояси, телевидение, видеофильм ва хоқозо.)
- Олинган маълумотдан ҳулоса чиқара билиш.
- Ўз фаолияти учун маълум бир маълумотни кераклигини англай билиш

- Ўзи қизиққан мавзу юзасидан савол бера олиш.
- Баъзи бир манбалардан фойдаланган холда керакли маълумотни ола билиш.
- Соғлиқ, истеъмол ва атроф мухит билан боғлиқ бўлган ижтимоий одатларни баҳолай билиш.

Болада ахборот олишга бўлган эҳтиёж у олдиға қуйган мақсадға қўшимча ахборотдан фойдаланмасдан эриша олмаслигидан юзаға келади. Шуни хисобға олган холда қуйилган вазифани бажариш учун болага қўшимча ахборот керак бўладиган ҳолатларни келтириб чиқариш керак. Керакли маълумотни топа билиш кузатиш, катталар билан мулоқотға киришиш, савол бера билиш, китоблар, энциклопедия ва маълумотномалар билан ишлаш орқали шаклланади. Шунингдек телевидение, радио, нашриётлар ва мультимедиади дастурлар орқали ҳам шаклланади. Кузатиш бу тавсиф берувчи психологик тадқиқот усул бўлиб, унда ўрганилаётган объектнинг мақсадли қабул қилиш фаолияти кузатилади ва хатти ҳаракатлари кайд этилади. Кузатиш орқали бола объектнинг хусусиятларини ажрата билишни ўрганади ва объект тўғрисида ўз фикрини кенгайтиради.[23] Шунингдек кичик ёшдаги болалар керакли маълумотни катталар билан мулоқатға киришиш ва уларға саволлар бериш орқали ҳам олишлари мумкин. Шу ўринда медиаресурслардан фойдаланишнинг бир қатор афзалликлари мавжуд:

- ахборот (маълумот) ни ўйин тарзида компьютер экранида кўрсатиш болада катта қизиқиш уйғотади; ҳаракатлар, анимация, овоз боланинг эътиборини узоқ муддат жалб этади;

- муаммоли вазифалар, компьютер томонидан унинг тўғри ечим топганлининг рағбатлантирилиши боланинг билим доирасини кенгайтиришда катта аҳамият касб этади.

- бола ўзи мустақил равишда билим доирасини кенгайтирувчи ўйин тарзидаги масалалар сони ва темпини бошқаради.

- бола компьютерда ишлаш жараёнида кўп нарсани қила олишга қодир эканлигига ишонч ҳосил қилади.

- компьютер жуда «бардошли», у ҳеч қачон болани қилган хатоси учун уришмайди, аксинча то бола ўз қилган хатосини туғирламагунча сабр қилади;

- ўйин тарзида таълим берувчи дастурлар болани мустақилликка ўргатиб, ўз ўзини бошқара олиш кўникмаларини ривожлантиради.


Анъанавий таълим воситаларидан фарқли ўлароқ медиа технологиялари сезиларли равишда эрта ривожланишдаги имкониятларини кенгайтиради, боланинг ақлий ва ижодий қобилиятларини муваффақиятли тарзда амалга оширишда ўз хиссасини кўшади. Нафақат уларга тайёр керакли маълумотларни беради балки керакли маълумотни ўзлари қидириб топишларига ундайди. Медиа таълимнинг бош мақсади- асосий қонунларни тушунишга ёрдам бериш, оддий йўналишлардаги медиаахборотлар тилини шрганиш, ўқувчининг бадийий ўсиши, ривожланишига хисса қўшиш, медиатекстларни малакали таҳлил эта олиш, ўргатиш ва қабул қилиш кўникмасини шакллантиришдан иборот. [7]

Медиаресурслардан фойдаланиш буйича керакли вазифа ва маълумотларни кўпгина сайтлардан топиш мумкин. Шу тарзда ўрганиш жараёни фаоллашади. Катталар намуна, ахборот маданиятининг шаклланиш алгоритмининг яратувчиси, шунингдек бола фаол равишда мулоқотга кириша оладиган шароитлар яратувчиси сифатида намоён бўладилар. Фаол мулоқот - тинглай билиш, саволлар бера билиш, саволларга жавоб бера олиш, болага керакли маълумотни олишида имконият беради. Шу ўринда ўқитувчининг билим даражаси ҳам муҳим. Зеро болаларга билим берувчи

шахс ҳам рухий, ҳам малакавий тарафлама тайёр бўлиши лозим. Ўқитувчини тайёрлашда нималарга эътибор қаратиш лозим?

Тарбиячини таёрлаш- тарбиячининг кайфияти, болага ёрдам бериш хохиши, керакли хохиш истакни аниклаш ва уни амалга оширишда ахамият касб этади.Қуйида тарбиячилар билимини, махоратини шакллантириш босқичларини келтириб ўтамиз:[9]

Мультимедия технологиялари ёрдамида ахборот олишни шакллантириш босқичлари.






ХУЛОСА:

2 бобга хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки Мультимедиали дастурлар тайёрлаш жараёни қийин жараён, мультимедиали дастурлар эса қиммат бўлиши билан бирга таълим сифатини оширишда катта таъсир кучига эга. Ахборот олиш маданиятини шакллантиришда мультимедиали воситаларнинг роли юқори. Улар қабул қилиш тезлигини оширади, мустақил фикр юритишга ўргатади ва фойдаланувчида интерфаол қобилиятни шакллантиради. Мультимедиали мутола орқали билим олиш сифати тезликда шаклланади ва ўқувчиларда олинаётган ахборотга нисбатан қизиқиш самараси кескин ортади. Мультимедиали дарсликлардан фойдаланувчи ўқитувчиларнинг дарс ўтказишлари учун осонликлар ва қулайликлар мавжуд. Анъанавий таълим воситаларидан фарқли ўлароқ медиа технологиялари сезиларли равишда эрта ривожланишдаги имкониятларини кенгайтиради, боланинг ақлий ва ижодий қобилиятларини мувафакқиятли тарзда амалга оширишда ўз хиссасини кўшади. Нафақат уларга тайёр керакли маълумотларни беради балки керакли маълумотни ўзлари кидириб топишларига ундайди. Медиа ресурслардан фойдаланиш буйича керакли вазифа ва маълумотларни кўпгина сайтлардан топиш мумкин. Шу тарзда ўрганиш жараёни фаоллашади. Меди таълим ушбу мақсадга эришишнинг энг самарали услубларидан бири. Медиа таълим педагогик фаолиятнинг идеологияси сифатида ушбу вазиятда умумтаълим билим кўникмаларини эгаллашнинг шаклланишида эришиладиган самаранинг кафолати сифатида аҳамият касб этади, шунингдек, таълим берувчи ва таълим олувчининг ахборот маданияти кўникмаларини шакллантиришида ҳам.

III – БОБ: КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАР ЎРТАСИДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ЁРДАМ БЕРУВЧИ МУЛЬТИМЕДИАЛИ АДАБИЁТЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИНИ ЯРАТИШ

1. МУЛЬТИМЕДИАЛИ МАНБАЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН БОЛАЛАР ПОРТАЛИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

Болалар ўртасида ахборот маданиятини шакллантиришнинг яна бир энг самарали йўли бу уларнинг ёш чегарасини ҳисобга олган ҳолда яратилган порталдир. Қуйида яратиш мумкин бўлган порталнинг умумий структурасини келтириб ўтаман. Ушбу портал 6 та асосий бўлимдан ва бўлим ичида бўлимга тегишли уни очиб берувчи бўлимчалардан ташкил топади. Порталга манбаларни киритиш чоғида асосий эътиборни болаларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб олиб борилади. Портал ёшларга мўлжалланган. Порталдан болалар ўзбек халқ эртаклари билан бир қаторда жаҳон эртаклари туркумига кирувчи эртакларни аудио шаклини тинглашлари, турли интерактив ўйинлар ўйнаш орқали ақллари чархлашлари мумкин. Порталдан фойдаланиш чоғида ота оналар мутлоқо беҳавотир бўлишлар ва ўзларини қизиқтирган саволларини юбориб жавоб олишлари мумкин.



Кичкинтойлар портали таъминотлари тузилмаси

Қидирув алгоритми тавсифи

Қидирув тизимидан фойдаланишда қидирув тури аниқланади:

1. Оддий қидирув тури танланганда ,қидирув ибораси киритилади ва базадан қидириш амалга оширилади. Натижа қониқарлилиги текширилади:
 - а) Агар натижа қониқарли бўлса, натижалар сараланади ва керакли ресурс танланади ва мультимедиа ресурсини кўчириб олиш ёки портални ўзида кўриш аниқланади:
 - i) Агар мультимедиа ресурсини кўчириб олиш танланса, фойдаланувчи тизимга кирган ёки кирмаганлиги текширилади:
 - (1) Агар, фойдаланувчи тизимга кирмаган бўлса, тизимда рўйхатдан ўтади сўнгра тизимга кириш амалга оширилади. Тизимга кириш амалга ошгач, ресурс кўчириш учун тақдим этилади ва жараён якунланади.
 - (2) Агар, фойдаланувчи тизимга кирган бўлса, ресурс кўчириш учун тақдим этилади ва жараён якунланади.
 - ii) агар мультимедиа ресурси портални ўзида кўриш учун танланса, ресурс порталда кўриш учун очилади ва жараён якунланади.
 - б) Агар натижа қониқарли бўлмаса, қайта қидириш таклиф этилади:
 - (i) Қайта қидириш рад этилса жараён якунланади.
 - (ii) Агар қайта қидириш танланса, кенгайтирилган қидирув модулига ўтилади.
2. Кенгайтирилган қидирув тури танланганда , қидирув ибораси ва шартларини киритилади ва шартли равишда самарали қидириш амалга оширилади. Натижа қониқарлилиги текширилади ва жараён **а)** қадамдан давом эттирилади.

Функционал тузилма

Kichkintoylar portali tashkiliy strukturasi

Manbalarni kiritish algoritmi



Манбаларни киритиш алгоритми тавсифи

Манбаларни киритиш фақат белгиланган ходимларга рухсат этилган. Булар асосан админ ёки модераторлар бўлиши мумкин.

Манбаларни киритишни чеклаш ва рухсат этилган фойдаланувчиларни тизимга киритиш учун авторизатцияни амалга ошириш керак бўлади. Бунда рухсат этилган шахс махсус логин ва парол орқали манбаларни киритиш бўлимига киради.

Ресурсларни киритишга тайёрлаш. Мультимедиа ресурсларини базага киритишдан олдин уларнинг яроқлилигини текшириш лозим. Файл зарарланмаганлигини, унга тегишли бўлган маълумотлар (ҳажми, давомийлиги, формати, қанақа қўшимча дастур ёки плаёр талаб қилиши)ни аниқлаб олиш зарур.

Ресурс тавсифини киритиш. Ресурсга тегишли бўлган барча керакли маълумотлар мос майданларга киритилади. Махсус белги билан мажбурий деб аталган барча майдонлар тўлдирилиши шарт. Бу ҳақида тизимнинг зи огоғлантирида ва тўғри киритилмагунча базага ёзилмайди.


Мультимедиа файлини юклаш. Ресурс тавсифини киритишда мультимедиа ресурсининг тури танланади, шундан келиб чиқиб юкланиши керак бўлган файл форматига белгилаб қўйилади. Ва талабга биноан мультимедиа файли юкланади.

Киритилган маълумотлар талабларга мослигини текширилади:

- 1. Агар маълумотларга қўйилган талабларга мос бўлмаса,** улар керакли ўринларда тўғирланиб қайти киритилади.
- 2. Агар маълумотларга қўйилган талабларга мос бўлса,** маълумотлар базага ёзилади. Бунда ресурс тавсифи ва файл алоҳида базага ёзилади.

Ресурс киритиш ёки киритмасликни аниқлаш:

- 3. Агар яна ресурс киритиш танланса** “ресурсни киритишга тайёрлаш” қадамидан бошлаб кейинги қадамлар кетма кет такроран бажарилади. Бу кетма кетлик янги ресурс киритиш рад этилгунга қадар такрорланиши мумкин.
- 4. Агар яна бошқа ресурс киритиш рад этилса,** тизимдан чиқиш амалга оширилади ва жараён якунига етади.



Манбаларни чиқариш алгоритми тавсифи

Фойдаланувчи ўз истаган ресурсларни қидирув тизимида қидириш ёки саралаш орқали маълумотлар базасидан танлаб олади. мультимедиа ресурслари турига боғлиқ равишда тизимга киришни талаб этиши мумкин. Масалан видео ва интерактив мультимедиа ресурслари рўйхатдан ўтган ва тизимга кирган фойдаланувчилар учун рухсат этилган бўлиши мумкин. Бу ҳолатда фойдаланувчининг тизимга кирган ёки кирмаганлиги текширилади:

Агар тизимга кириш талаб этилса, қидирув ёки саралаш натижасида олнган ресурсни олиш учун танланганда, ресурсни олиш учун тизимга кириш талаб этилиши тўғрисидаги хабар пайдо бўлади, ва логин, парол киритиш учун майдончалар пайдо бўлади. Тегишли логин ва парол билан тизимга кирилади ва ресурсдан онлайн фойдаланиш ёки фойдаланувчи компютерига кўчириб олиш танланади:

Агар тизимга кириш талаб этилмаса, тўғридан тўғри онлайн фойдаланиш ёки фойдаланувчи компютерига кўчириб олишни танлашга ўтилади:

- a) Кўчириб олиш танланса ресурс юклаб олинади;
- b) Онлайн фойдаланиш танланса, ресурс онлайн тақдим этилади

2. АХБОРОТ ОЛИШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ АДБИЁТЛАРНИНГ МУЛЬТИМЕДИАЛИ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИНИ ЯРАТИШ

Бугунги кунда “ Электрон кутубхона”, “Электрон каталог”

тушунчалари биз учун янги тушунчалардан эмас, аммо, ахборот ресурс марказининг электрон кутубхонаси, электрон каталоги тушунчалари, кўп ҳолларда бу тушунчаларнинг маъносига етмасдан ишлатилмоқда.

Электрон кутубхона(ЭК) қандай яратилиши керак? Матнлар

муҳарририда ёзилиб алоҳида папкаларга жойланган файллар тўплами ёки

муаллифлик ҳуқуқига риоя қилмасдан, адабиётларни сканерлаш орқали

жамлаб, бирор-бир “Маълумотлар базасини бошқариш тизими” дан

фойдаланиб «ахборот қидириш тизими» яратиш билан электрон кутубхона

яратиш тўғри жараён ҳисобланмайди. Кўпчилик ахборот ресурс

марказларида адабиётларни сканерлаш орқали уларнинг электрон шаклга

ўтказишни ва оддий классификациялаш (алоҳида папкаларга жойлаштириш)

орқали электрон кутубхона яратиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Биз компьютерлаштирилган, автоматлаштирилган, электрон, виртуал

кутубхона тушунчаларини ва уларнинг функцияларини қайтий форқлай

олишимиз керак, куйида ушбу тушунчаларнинг таърифларини келтирамиз.

Компьютерлаштирилган кутубхона деб – тегишли ҳисоблаш техника

воситалари (компьютерлар, телекоммуникация воситалари ва бошқалар)

базавий дастурий воситалар(операцион система, оффис иловалари) билан

таъминланган аммо кутубхонадаги асосий ахборот жаоаёнларини

(ахборотларни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш, қидириш ва узатиш)

автоматлаштириш имкониятини берувчи автоматлаштирилган ахборот

кутубхона тизимига эга бўлмаган кутубхонага айтилади.

Автоматлаштирилган кутубхона (automated library) – бунда, кутубхона

жараёнларининг асосий қисми ва ахборот-кутубхона хизмати асосан

автоматлаштириш(шахсий компьютерлар, серверлар, ташкилий техника

воситалари, ихтисослашга махсус дастурий таъминот) ва телекоммуникация

воситалари ёрдамида бажарилади. Кутубхонада автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими тадбиқ қилинган бўлади.

Электрон кутубхона(electronic library) – автоматлаштирилган кутубхонанинг махсули бўлиб, у классификациялаш ва ахборотларни кодлаштиришнинг ягона тизимига асосланган бўлиб, кутубхонанинг электрон каталоги, аннотациялар ва тўлиқ матнли маълумотлар базалари мажмуидан иборат бўлади. Ахборот-ресурс марказининг электрон кутубхонаси– ахборот тизими бўлиб, у маълум бир қоидалар асосида тизимлаштирилган ва тартиблаштирилган электрон хужжатлар фондига (электрон каталог, тўлиқ матнли ва мултимедияли маълумотлар базалари ва бошқалар) ҳамда ахборотларни сақлаш, ишлов бериш, қидириш ва узатиш имкониятига эга бўлган дастурий комплексга эга бўлади..

Виртуал кутубхона(virtual library)– икки ва ундан ортиқ электрон кутубхоналар тизимларини коммуникация воситалари ёрдамида бирлаштириб, ахборот-маслиҳат жиҳатдан ассоциатив алоқалар ўрнатилган ва фойдаланувчиларни ахборот манбалари билан таъминлайдиган электрон кутубхоналарнинг тармоқдаги мажмуига айтилади. [18]

Шу ўринда Электрон кутубхонага берилган баъзи бир таърифларни эслатиб ўтамиз:

Ф.С. Воройский ўзининг[18] ишида ЭКга қуйидаги таърифни беради.

Электрон кутубхона бу фондида электрон шаклдаги ахборотларни сақлайдиган ва улардан фойдаланишни йўлга қўйган кутубхонадир.

Кеннет Доулин эса ЭКни ўзининг 1984 йили эълон қилинган “Электрон кутубхона” номли китобида қуйидагича таърифлайди:

- Ресурсларни компьютер орқали бошқариш;
- Ахборот таъминотчисини ахборот истеъмолчиси билан электрон каналлар орқали боғлаш қобилияти;
- Зарур ҳолларда ходимларни электрон жараёнларга таъсир кўрсатиш имконияти;
- Электрон воситалардан фойдаланиб ахборотларни сақлаш, ишлов

бериш ва истеъмолчиларга узатиш қобилияти.

1991 йили Буюк Британияда “Электрон кутубхона” дастуринин ишга туширилиши муносабати билан унга дастлаб “Кутубхона, электрон кутубхона дейилади агарда унинг фондидаги хужжатларнинг катта қисми электрон шаклга ўтказилган бўлса” деган таъриф берилган. Бу таърифдан кўринадикки тўлиқ автоматлаштирилган кутубхона “электрон кутубхона” бўлиши мумкин экан.

АҚШ Массачусет университетидан Вильям Адамс ўзининг китобида ЭКга “ Сервисларга мос ахборотларнинг бошқариладиган коллекцияси, бунда ахборот рақамли шаклда сақланади ва унга кириш тармоқ орқали амалга оширилади ” таъриф берган.


Я.Л. Шрайбер ўзининг [18] китобида электрон кутубхонага қуйидагича таъриф беради, “Электрон кутубхона—бу структуралаштириш ва киришнинг умумий идеологияси асосида бирлаштирилган локал ёки глобал электрон ресурслардир”.

Мактаб ахборот ресурс марказлари хизмат кўрсатишни ташкил этишда албатта электрон кутубхона яратишлари мақсадга мувофиқ. Чунки дарс жараёнларини мультимедиа ресурслари ёрдамида, замонавий телекоммуникация технологияларидан фойдаланиб ўтилиши электрон кутубхона яратиш заруриятини келтириб чиқаради.

Қуйида электрон кутубхона яратиш алгоритмини келтирамиз:

Алгоритм содда шаклга эга ва уни тушуниш қийинчилик келтириб чиқармайди. Мактаб ахборот ресурс марказлари 2 бобда келтирилган портал тузилмаси асосида ўз мактаб порталларини яратишлари ва электрон кутубхонани айнан шу порталнинг таркибий қисми сифатида порталга жойлаштиришлари мумкин.

Электрон кутубхона яратиш алгоритми:



Расм.2.9.портал электрон кутубхонасини яратиш алгоритми

Ушбу алгоритм асосида портал электрон кутубхонаси яратилади. Алгоритм мураккаб кўринишга эга эмаслиги билан эътиборга молик. Барча бажарилиши зарурий бўлган жараёнлар содда ва тушунарли тарзда кўрсатилган. Портал электрон кутубхонасининг мавжудлиги ундаги мавжуд манбаларни қидириб топиш, янгиларини жойлаш ва зарур эмас деб ҳисобланган манбаларни чиқариш жараёнини осонлаштиради. Юқорида келтирилган алгоритм блокларига шарҳ келтирамиз:

ҲУЖЖАТЛАР- электрон кутубхонага жойланиши зарур бўлган барча манбалар. Масалан: мультимедияли дарсликлар, аудио эртаклар, видео эртаклар,интрактив ўйинлар, турли расмлар, қизиқарли бошқотирмалар бўлиши мумкин.

МАЪЛУМОТЛАРНИ САРАЛАШ – мавжуд барча манбаларни типларига кўра саралаш. Масалан: дарсликлар гуруҳи, ўйинлар гуруҳи, вҲқзо.

САРАЛАНГАН ҲУЖЖАТЛАР- турлари бўйича алоҳида гуруҳларга ажратилган ҳужжатлар.

КАТАЛОГЛАШТИРИШ- сараланган ҳужжатларнинг библиографик элементларини киритиш.

ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ- Манбанинг библиографик элементлари киритилиши натижасида ҳосил бўлган сайт электрон кутубхонасининг электрон каталоги.

ТўЛИҚ МАТН МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ- Электрон каталогдан жой олган барча ёки бир қисм манбаларнинг тўлиқ матнини киритиш жараёни.

ТўЛИҚ МАТН МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ- Электрон каталогдаги маълумотларнинг тўлиқ матнлари киритилиши натижасида ҳосил бўлган база.

ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА- ўзида мавжуд ҳужжатларнинг электрон каталогини ва тўлиқ матн базасини жамлаган портал кутубхонаси.

**ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАГА РЕСУРСЛАРНИ КИРИТИШ
ЖАРАЁНИДА ТЎЛДИРИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН МАЙДОН ВА МАЙДОН
ОСТИЛАРИ**

№	Майдон ва майдон ости		Майдон ва майдон ости номлари
1	040	a	Дастлабки каталоглаштириш хизмати
2	041	a	Матн тили коди
3	090		Полка индекси
3.1.	a		Полка индекси
3.2.	X		Муаллиф белгиси
4	245		Сарлавҳа
4.1	a		Сарлавҳа
4.2.	h		Физик ташувчи
5	250	b	Нашр тўғрисида қўшимчи маълумот
6	260		Нашр жойи
6.1.	a		Нашр жойи
6.2.	b		Нашриёт
6.3.	c		Нашр санаси
7	300		Ҳажм
7.1	a		Ҳажм
7.2.	c		Ўлчамлари
7.3.	e		Йўлловчи материал
7.4.	b		Иллюстрациялар
7.5	440	a	Серия
8	525		Иловалар тўғрисида изох
8.1.	a		Библиография
9	504	a	Мақсадли мўлжалланганлиги тўғрисида
10	521	a	Стандарт номер
11	024	a	Нашр этилган мамлакат коди

12	044	a	
----	-----	---	--

Янги ARMAT++ дастурида электрон кутубхона яратиш кетма кетлиги

Armat++ - MBBLiNe
Izlash...
Qazoqcha
Uzbek krillitsa
Uzbek lotincha
Ruscha

- Armat++ - MBBLiNe
Parolni unidingizmi?

userName

password

☐ Eslash

Kirish

Login with ID.uz

Ro'yxatdan o'tish

- Маълумотномалар
- Каталоглаштириш
- Электрон каталог
- Фойдаланувчилар
- Излаш
- Кенгайтирилган излаш
- Интеллектуал излаш

Каталоглаштирувчининг АИЎ

Armat++ - MBBLine (Каталоглаштирувчининг АИЎ)

Излаш турлари
Меню
Созлашлар
Чиқиш

Қидириш

Маълумотномалар
Каталоглаштириш
Электрон каталог
Фойдаланувчилар

Излаш
Кенгайтирилган
излаш
Интеллектуал
излаш

Каталоглаштириш

Иш саҳифасини
танлаш

Мультимедия электрон каталог

☐
Тажрибали
каталоглаштирувчи

Яратиш

20	ISBN indeksi *			
40	Kataloglashtirish manbayi			
84	Klassifikator indeksi			
90	Shifrlar			
100	Muallif haqida ma'lumot			
245	Sarlavha			

Юқорида кўрсатилган жараёнлар кетма кетлиги асосида электрон ресурсларни каталоглаштириш амалга оширилади ва тўлиқ матнни юклаш билан электрон кутубхона яратиш мумкин.

ХУЛОСА

3 бобга хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ахборот маданиятини шакллантишда энг самарали усул бу ёшлар порталини шакллантириш ҳисобланади. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд яни, Портал яратилганда:

- Ёшларга бағишланган манбаларни бир ерга тўплаш имконияти яратилади;
- Ёшлар ўртасида ахборот қидирувини амалга ошириш кўникмаси шаклланади;
- Турли манбалардан керакли ахборотларни топиш ва улардан фойдаланиш билими ошади;

- Ота оналар учун беҳавотир манба ҳисобланади;
- Мактаб раҳбарияти ва ота оналар ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйишнинг самарали усули бўлиб хизмат қилади;

3 бобда келтирилган портал тузилмаси асосида мактаб ахборот ресурс марказлари ва кутубхоналар ўз шахсий порталларини ташкил этишлари мумкин. Портал яратиш учун зарурий бўлган барча масалалар

- Портал тузилмаси
- Портал ташкилий тузилмаси
- Портал функционал тузилмаси
- Портал таъминотида қўйиладиган талаблар ва уларнинг ечимлари
- Ресурсларни киритиш, улардан фойдаланиш ва қидирув алгоритмлари тўлиқ ёритилган.

Шунингдек электрон кутубхона яратиш алгоритми ҳам берилган бўлиб бу ўз порталини яратиш истагида бўлган ҳар бир шахс учун катта ёрдам беради.

ХУЛОСА

Ахборот олиш маданиятини шакллантириш мавзуси устида ўз илмий ишимни бошлаш довомида, ахборот олиш маданияти атамасининг ниҳоятта кенг қамровли атама эканлигига гувоҳ бўлдим. Бугунги кунда ахборот олиш маданиятини шакллантириш энг долзарб бўлган масалалардан бири ҳисобланади, чунки, ахборот оқимининг тезликда ўсиб бориши, тақдим этилаётган ахборотлар орасидан керакли, зарур

ий ва фойдалиларини ажратиб олиш мураккаб. Бунинг учун ҳар бир шахс мустақил фикрга эга, дунё қараши кенг ахборотлар уюмидан ўзи учун кераклигини ажратиб олиш салоҳиятига эга бўлиши лозим. Ахборот олиш маданиятини шакллантиришнинг бир нечта босқичлари мавжуд бўлиб улар орасида энг муҳми бу кишилар орасида ўқиш маданиятининг ўрнини ошириш. Аҳолиси мунтазам равишда ўқиш, мутолаа қилиш билан машғул бўлган жамият пойдевори мустаҳкам бўлишига жаҳон мамлакатлари орасида ўқиш маданияти даражасини таҳлил қилиш чоғида яна бир бор амин бўлдим. Бир неча йиллар инсонлар орасида ўқишга бўлган эътиборнинг пасайганлигини ва бу ривожланган давлатларни ҳам четлаб ўтмаганлигини билдим. Ўқиш маданиятини шакллантириш одамлар орасида жинойтчиликни, бепарволикни олдини олади. Замонавий технологияларнинг ривожланиши ўқишга бўлган эътиборни бир мунча пасайтириб юборди. Давр талабини инобатга олган ҳолда ахборот олиш маданиятининг бир бўлаги бўлган ўқиш маданиятини ҳам замонавий кўринишда тарғиб этиш мақсадга мувофиқ.

Бунинг энг самарали усули бу мультимедиа воситаларидир. Мультимедиа ли дастурлар, воситалар бугунги кунда бутун дунё миқёсида жадал ривожланмоқда ва уларга бўлган талаб ҳам ортиб бораёпти. Бунинг асосий сабаби бу мультимедиа ли воситаларнинг эътиборни жалб қилувчи жихатлари.

Ахборот олиш маданиятини шакллантиришда мультимедияли дастурлардан фойдаланиш самараси юқори. Унда тингловчи бир вақтнинг ўзида ҳам эшитиши, кўзи билан кўриши, ўзи ҳам дарс довомида бевосита иштирокчига айланиб бирон бир янгиликлар киритиши мумкин. Ахборот олиш маданиятини

шакллантириш ишини кичик ёшдаги болалар билан бошлаш кутилган натижани беради деб ҳисоблайман. Чунки болалар онги хали тоза ва унга қайси тарафдан тарбия берсанг шу тарафдан ривожланиб камолга етади. Биз уларга кичикликларидан ахборот билан ишлашни ўргатиб борсак, уларда ахборот олиш маданиятини шакллантирсак келажакда уларда турли зарарли ахборотларга қарши иммунитет пайдо бўлади. Бу эса энг зарурий масалалардан биридир.

Мультимедиали дастурлар тайёрлаш жараёни қийин жараён, мультимедиали дастурлар эса қиммат бўлиши билан бирга таълим сифатини оширишда катта таъсир кучига эга. Ахборот олиш маданиятини шакллантиришда мультимедиали воситаларнинг роли юқори. Улар қабул қилиш тезлигини оширади, мустақил фикр юритишга ўргатади ва фойдаланувчида интерфаол қобилиятни шакллантиради. Мультимедиали мутола орқали билим олиш сифати тезликда шаклланади ва ўқувчиларда олинаётган ахборотга нисбатан қизиқиш самараси кескин ортади. Мультимедиали дарсликлардан фойдаланувчи ўқитувчиларнинг дарс ўтказишлари учун осонликлар ва қулайликлар мавжуд. Анъанавий таълим воситаларидан фарқли ўлароқ медиа технологиялари сезиларли равишда эрта ривожланишдаги имкониятларини кенгайтиради, боланинг ақлий ва ижодий қобилиятларини муваффақиятли тарзда амалга оширишда ўз хиссасини кўшади. Нафақат уларга тайёр керакли маълумотларни беради балки керакли маълумотни ўзлари қидириб топишларига ундайди. Медиа ресурслардан фойдаланиш буйича керакли вазифа ва маълумотларни кўпгина сайтлардан топиш мумкин. Шу тарзда ўрганиш жараёни фаоллашади. Медиа таълим ушбу мақсадга эришишнинг энг самарали услубларидан бири. Медиа таълим педагогик фаолиятнинг идеологияси сифатида ушбу вазиятда умумтаълим билим кўникмаларини эгаллашнинг шаклланишида эришиладиган самаранинг кафолати сифатида аҳамият касб этади, шунингдек, таълим берувчи ва таълим олувчининг ахборот маданияти кўникмаларини шакллантиришида ҳам.

Ахборот маданиятини шакллантишда энг самарали усул бу ёшлар порталини шакллантириш ҳисобланади.

Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд яни, Портал яратилганда:

Ёшларга бағишланган манбаларни бир ерга тўплаш имконияти яратилади; Ёшлар ўртасида ахборот қидирувини амалга ошириш кўникмаси шаклланади; Турли манбалардан керакли ахборотларни топиш ва улардан фойдаланиш билими ошади; Ота оналар учун бежавотир манба ҳисобланади; Мактаб раҳбарияти ва ота оналар ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйишнинг самарали усули бўлиб хизмат қилади;

3 бобда келтирилган портал тузилмаси асосида мактаб ахборот ресурс марказлари ва кутубхоналар ўз шахсий порталларини ташкил этишлари мумкин. Портал яратиш учун зарурий бўлган барча масалалар

- Портал тузилмаси
- Портал ташкилий тузилмаси
- Портал функционал тузилмаси
- Портал таъминотида қўйиладиган талаблар ва уларнинг ечимлари
- Ресурсларни киритиш, улардан фойдаланиш ва қидирув алгоритмлари тўлиқ ёритилган.

Шунингдек электрон кутубхона яратиш алгоритми ҳам берилган бўлиб бу ўз порталини яратиш истагида бўлган ҳар бир шахс учун катта ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ ВА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч.-Т.:маънавият,2008.-Б.176
2. Каримов И. А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш- энг олий саодатдур.Т.:Ўзбекистон,2015.-Б.289
3. Ўзбекистон РеспубликасиПрезидентининг қонуни. Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида.// ҳалқ сўзи.-2011.-14 апр.
4. “2011-2015 йилларда ахборот комуникация технологиялари асосида ахборот кутубхона ва ахборот ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора тадбирлари” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 феврал қарори // маърифат.-2011.-24 февр.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонуни. Ахборотлаштириш тўғрисида.// ҳалқ сўзи.-2003.-12 дек.
6. Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан Таъминлашни ташкил этиш тўғрисида:Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июнь қарори // маърифат.-2006.-21 июн.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат Стандарти. O`z DSt 2881: 2014 MODS метамаълумотларини тавсифлаш формати. - Тошкент.
8. Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти-UZMARC.-2013

КИТОБЛАР, АВТОРЕФЕРАТЪ ВА ДИССЕРТАЦИЯЛАР

9. **Елинер И. Г.** Развитие мультимедийной культуры в информационном обществе / И. Г. Елинер ; М-во культуры Российской Федерации, Санкт-Петербургский гос. ун-т культуры и искусств, Каф.теории и истории культуры. – СПб. : Изд-во СПбГУКИ, 2010. – 276 с.
- 10.**Габдуллина З. М.** Развитие навыков работы с компьютером у детей 4-7 лет. Волгаград, 2010
- 11.**Усмоналиева Р.** Ўқитувчи медиакомпетентлиги шахсий ва касбий ривожланишнинг муҳим омили сифатида // Замонавий таълим=современное образование, 2015 № 9

12. **Медиакультура новой России: методология, технологии, практика** / Под ред. Н.Б. Кирилловой и др. – Екатеринбург, 2007. – 512 с.
13. **Новые информационные технологии: опыт работы библиотек республики** : XIII Орловские чтения, 27 марта 2008 г. : сб. материалов / сост. Т. В. Верина ; М-во культуры, печати и по делам национальностей Респ. Марий Эл. – Йошкар-Ола : Нац. б-ка им. С. Г. Чавайна, 2009. – 80 с.
14. **От свитка до Интернета: библиотека, образование, чтение: Научно–метод. альманах.** – М.: Рус слово, 2010. –288 с.
15. **Қаюмхўжаева Ё.Ўқувчиларнинг китобхоналик маданиятини шакллантириш имкониятлари** // Жўраев Р. Ҳ.-Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ФА” Фан” нашриёти, 2007.-Б.109.
16. **Кассел К. Э. XXI асрда маълумот ва ахборот хизматлари** // У. Хайрмат.-Т.: Baktriapress, 2014.-Б.464
17. **Иноғомова М. А. Ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашда мактаб кутубхонаси ишини такомиллаштиришнинг форма ва методлари: методик тавсиялар**// О. Мусурмонова.- Тошкент, 1982.- Б. 31
18. **Н. А. Савченко** Использование мультимедиа-технологий в общем среднем образовании. Электронное пособие для педагогов, 2006.
19. **О. Г. Смолянинова** Мультимедиа в образовании (теоретические основы и методика использования): Монография. – Красноярск: Изд. КрасГУ, 2002. — 300 с.
20. **С. Г. Григорьев, В.В. Гриншкун** Мультимедиа в образовании. Электронное пособие, 2005
21. **R. Bruce, M. Gremer**Руководство по аудиовизуальным и мультимедийным документам для библиотек и других организаций/ перевод на русский язык Колосова К, Гаага, Штаб-квартира ИФЛА, 2005
22. **Земсков А.И., Шрайберг Я.Л.** Электронные библиотеки: Учебник для студентов вузов культуры и искусств и др. учеб. Заведений/ А Земсков, Я.Л. Шрайберг.-М.: Либерия, 2003.-352 с.- Библиогр.: 110 назв.

23. **Ғаниева Б.И.** Кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлар: номзодлик иши.тошкент.,2008

ТЎПЛАМ ВА ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИДАН МАҚОЛАЛАР

24. **Z. Stanisavljevic** A classification of eLearning tools based on applied multimedia // Springer Science+ Business media, New York, 2013

25. **Соловьева Е.** Вместе весело читать... : сотрудничество РЦБС и телестудий города // Библиополе. - 2010. - № 10. - С. 26-29. - О сотрудничестве Сафоновской РДБ с городскими телеканалами и практике использования мультимедийных средств для привлечения детей к чтению.

26. **Суслова Т. В.** Место школьной медиатеки (библиотеки) в информационном пространстве современной школы : [выступление на выездном заседании секции] // Школьная библиотека. - 2010. - № 3/4. - С. 63-67. - Библиотека (медиатека) как информационный центр школы.

27. **Бондаренко Е. А.** Медиаграмотность и информационная культура в современной российской школе/ Е. А. Бондаренко кандидат педагогический наук, доцент // Медиатека и Мир.-2010.-№ 3.- С. 60-63

28. **Продвижение книги и чтения средствами визуальной культуры : положение о Всероссийском конкурсе** // Библиотечное дело. - 2009. – № 11. - С. 42-44. - Конкурс проводится РБА совместно с РНБ с июня 2009 по май 2010 в целях популяризации книги и чтения с помощью средств визуальной культуры.

29. **Харлампыева Т. Н.** Медиатека как центр развития личности / Т. Н. Харлампыева, А. С. Дягилева, З. Н. Захарова // Медиатека и Мир. - 2009. - № 2. - С. 22-23. - Об опыте работы медиатеки в Чурапчинской улусной гимназии Республики Саха.

30. **Йўлдошев Э.** Болаларда ўқиш маданиятини шакллантириш// Бошланғич таълим журнали. Т.,2008 й-4 сон.

31. **Terence R., Talley S.** Multimedia and Online Video Case Studies for Preservice Teacher Preparation / Springer // Education and Information Technologies 7:4, 359-367, 2002

32. **Читатели 10-11 лет. Читатели 12-13 лет. Читатели 14 лет** // Библиотека и юный читатель: практ. пособие. М.: Кн
33. **Барышева О. В.** Интернет– Метаданные– DublinCore / О. В. Барышева// НТИ. Сер. 1. Орг. и методика информ. работы. – 2000. - №3. – С. 21-28

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР


- **WWW. Seoplayer.ru**
- **www. Springer.com**
- **www. Natlib.uz**
- **www. Kitob.uz**
- **www. Taqvim.uz**
- **www. Multimedia.uz**




1 расм




2 расм




3 расм



4 расм



5 расм




6 расм



7 расм

8 расм



9 расм

ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА ЯРАТИШ БОСҚИЧЛАРИ

ARMAT ++ ДАСТУРИ МИСОЛИДА

Armat++ - MBBLine

Излаш...

Qazoqcha

Uzbek krillitsa

Uzbek lotincha

Ruscha

- Armat++ - MBBLine

Parolni unitingizmi?

kamola

.

☐ Eslash

Kirish

Login with ID.uz

[Ro'yxatdan o'tish](#)

LOGIN, PAROL ни киритиш орқали ўз маълумотлар базамизни очамиз

Armat++ - MBBLine (Каталоглаштирувчининг АИЎ)

Қидириш

Излаш турлари ▾

Меню ▾

Созлашлар

Чиқиш

Фондлар

Маълумотномалар

Каталоглаштириш

Электрон каталог

Фойдаланувчилар

Излаш

Кенгайтирилган излаш

Интеллектуал излаш

Каталоглаштирувчининг АИЎ

Каталоглаштирувчининг автоматлашган иш ўрни саҳифасини очиш орқали каталоглаштириш жараёнини бошлаймиз

Armat++ - MBBLiNe (Каталоглаштирувчининг АИЎ)

Қидириш

Излаш турлари ▾

Меню ▾

Созлашлар

Чиқиш

Фондлар

Маълумотномалар

Каталоглаштириш

Электрон каталог

Фойдаланувчилар

Излаш

Кенгайтирилган излаш

Интеллектуал излаш

Каталоглаштириш

Иш саҳифасини танлаш

1-3 muallifli kitob ▾

1-3 muallifli kitob
3 tadan ko'p bo'lgan muallifli kitoblar
Dissertatsiya va avtoreferatlar
Elektron resurs
Maqola (monografiya)
Patent
Notalar
Davlat standartlari (GOST)
Haritalar
Nashriyotlarning yig'ma elektron katalogi
Ko'p tomlik nashming umumiy qismi
Ko'p tomlik nashming alohida tomi
Ko'p tomlik nashming tarkibiy qismi
Davriy nashrlar
Мультимедия электрон каталог

☐ Тажрибали каталоглаштирувчи

Каталоглаштириш жараёнини иш саҳифани танлаб жараённи давом эттирамиз

Armat++ - MBBLiNe (Каталоглаштирувчининг АИЎ)

Қидириш

Излаш турлари ▾

Меню ▾

Созлашлар

Чиқиш

Фондлар

Маълумотномалар

Каталоглаштириш

Электрон каталог

Фойдаланувчилар

Излаш

Кенгайтирилган излаш

Интеллектуал излаш

Каталоглаштириш

Иш саҳифасини танлаш

Мультимедия электрон каталог ▾

☐ Тажрибали каталоглаштирувчи

Яратиш

Танланган иш саҳифа танланиб яратиш тугмаси босилади

Armat++ - MBBLiine (Каталоглаштирувчининг АИЎ)ҚўдиришИзлаш турлари ▾Меню ▾СозлашларЧиқиш

Фондлар
Маълумотномалар
Каталоглаштириш
Электрон каталог
Фойдаланувчилар

Излаш
Кенгайтирилган
излаш
Интеллектуал излаш

Каталоглаштириш

Иш саҳифасини танлашМультимедия электрон каталог

☐ Тажрибали каталоглаштирувчи

Яратиш

20 ISBN indeksi *		 
40 Kataloglashtirish manbayi		
84 Klassifikator indeksi		
90 Shifrlar		
100 Muallif haqida ma'lumot		 
245 Sarlavha to'grisida ma'lumot		
246 Sarlavhaning		

Хосил бўлган саҳифадаги майдон ва майдон остилари тўлдирилади

20 - A	ISBN indeksi	978-9943-5
40 - B	Til kodi	O'zbek
84 - A	KBK indeksi	56
90 - X	Mualliflik belgisi	z 60
100 - E	Shaxs roli	ijrochi
245 - A	Asosiy sarlavha	zoologiya
245 - B	Sarlavha davomi	7 sinf
245 - H	Fizik tashuvchi	multimedia
250 - A	Nashr haqida asosiy ma'lumot	multimedia.uz
260 - A	Nashr qilingan joy	Toshkent
260 - C	Nashr etilgan yil	2016
300 - A	Hajm	31,8 mb
300 - C	Boshqa fizik xarakteristikalar	video file
300 - E	Hujjatning o'lchamlari	video file
520 - A	Annotatsiya	ushbu video darslik multimedia ko'rinishida bo'lib undan maktab o'qituvchilari zoologiya darsida darslik sifatida foydalanishlari mumkin
546 - A	Til to'g'risida ilova	KMP-vide file

Кўриш тугмаси ёрдамида тўлдирилган майдон ва майдон остиларини кўришимиз мумкин



	joy	
260 - C	Nashr etilgan yil	2016
300 - A	Hajm	31,8 mb
300 - C	Boshqa fizik xarakteristikalar	video file
300 - E	Hujjatning o'Ichamlari	video file
520 - A	Annotatsiya	ushbu video darslik multimedia ko'rinishida bo'lib undan maktab o'qituvchilari zoologiya darsida darslik sifatida foydalanishlari mumkin
546 - A	Til to'g'risida ilova	KMP-vide file
653 - A	Ochqich so'zlar	zoologiya, fauna, baliqlar, sudraluvchilar
900 - A	To'liq matn	↓ Nomi: fee7fc77da7ee905e7271ed6a1265c8b.flv Hajmi: 33426157 bytes;
920 - A	Sarlavha grafikasi	
927 - A	Xujjat turi	

[✎ Тахрирлаш](#)
[↓ Сақлаш](#)
[📷 Ёзувни кўриш](#)
[🏠 Электрон каталог](#)
[🗑 Ўчириш](#)

Юқоридаги тугмалар орқали ёзувни тахрирлашимиз, сақлашимиз, ўчиришимиз, кўришимиз мумкин бўлади

	joy	
260 - C	Nashr etilgan yil	2016
300 - A	Hajm	31,8 mb
300 - C	Boshqa fizik xarakteristikalar	video file
300 - E	Hujjatning o'Ichamlari	video file
520 - A	Annotatsiya	ushbu video darslik multimedia ko'rinishida bo'lib undan maktab o'qituvchilari zoologiya darsida darslik sifatida foydalanishlari mumkin
546 - A	Til to'g'risida ilova	KMP-vide file
653 - A	Ochqich so'zlar	zoologiya, fauna, baliqlar, sudraluvchilar
900 - A	To'liq matn	↓ Nomi: fee7fc77da7ee905e7271ed6a1265c8b.flv Hajmi: 33426157 bytes;
920 - A	Sarlavha grafikasi	
927 - A	Xujjat turi	

✎ Таҳрирлаш

↓ Сақлаш

📄 Ёзувни кўриш

🏠 Электрон каталог

🗑 Учириш

Кўрсатилган йўналтиргич ёрдамида тўлиқ матнни кўриш имконияти яратилади



Видео ресурс мантини кўриниши